Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

33

1993 йил 14—20 август (126)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ИСЛОҲОТ ВА КАСАБА УЮШМАСИ

1 СЕНТЯБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

САВОЛЛАР ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўтказган учрашув-давра суҳбати «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш» мавзусига бағишланди. Унда вилоят касаба уюшмалари кенгашларининг раислари, тармоқ касаба уюшмалари Марказий ва республика қўмиталарининг раислари, йирик корхоналар касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари иштирок этдилар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида касаба уюшма ташкилотларини турли хил масалалар қизиқтирмоқда. Улар кундалик ҳаётда рўй бераётган воқеаларга самарали ёндошув йўлларини изламоқдалар, лекин шу жараёнда кўпгина муаммоларга дуч келмоқдалар. Хўш, уларни қандай қилиб бартараф этиш мумкин?

Шунга ўхшаш саволлар олдиндан жамланиб, уларга жавоб тайёрлаш учун Вазирлар маҳкамаси, тегишли вазирликлар вакилларига юборилган эди. Улар ҳар бир саволни чуқур ўрганиб, аниқ жавоблар билан учрашув-давра суҳбатига ташриф буюрадилар.

Суҳбат қатнашчилари учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳудудий-ташкилий бўлими мудири Ш. Х. Абдулазизов, умумиқтисодий бўлими мудири Р. Каримов, Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари О. О. Обидов, вазир ўринбосари Р. А. Убайдуллаева, Ижтимоий таъминот вазири Б. Х. Умурзоқов, Молия вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Ў. Ўринбоев, Бош давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Абдукодиров, Давлат мулкини бошқариш қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Р. Ғафуров ва бошқа ўртоқларнинг жавобларини тингладилар. Шу жараёнда пайдо бўлган яна бир қатор саволларга жавоб олдилар.

Бундай учрашув касаба уюшмаси фаоллари учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Бу тажрибани яна давом эттирайлик деган фикр билдирилди.

Учрашув-давра суҳбатини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов олиб борди.

Суратда: учрашув-давра суҳбати пайти.

В. Тўраев олган сурат.

Хабарлар маҳзи

● МОСКВАДА Россия ва Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тожикистон ва Афғонистон чегарасидаги ҳозирги кескин вазиятни барқарорлаштириш йўллари белгилаб олиниши билан бирга, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳам келишиб олинди.

● ЎЗБЕКИСТОН мустақиллигининг икки йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● ВЬЕТНАМ Социалистик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нгуен Ван Дак мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

● ТОШКЕНТДА Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнес тараққиёти жамғармасининг таъсис йиғилиши бўлди. Унда жамғарма бошқаруви ва унинг раиси сайланди.

● РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг икки йиллиги шарафига бағишлаб Ўзбекистон енгил саноати ходимлари шанбалик ўтказдилар. Ишлаб топилган барча маблағ «Соғлом авлод учун» республика хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон геология, геодезия ва картография ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бўлиб ўтган мажлиси қатнашчилари қўмита раиси А. М. Ашуралиевнинг «Республикада ислоҳотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан тармоқ касаба уюшмаларининг вазифалари ҳақида»ги масалани муҳокама қилдилар.

Мажлисда мазкур масала юзасидан Республика геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисининг муовини С. Н. Низомов, Ўзбекистон геодезия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Д. О. Тошхўжаев сўзга чиқдилар.

Кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини Қ. М. Рафиқов нутқ сўзлади.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

ЎРТА ОСИЁ Республикалари ва Озарбайжон касаба уюшма Марказлари ишини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси Бишкек шаҳрида бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари З. И. Қодиров, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси С. О. Мукашев, Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси З. А. Абакиров, Тожикистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Ш. Ш. Кашаев, Туркманистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Х. А. Овезов ўртоқлар бошлиқ шу республикалар делегацияларининг аъзолари иштирок этдилар.

Мажлисда шунингдек, касаба уюшмалари Умум конфедерацияси раиси В. А. Шербаков, касаба уюшмалари Умум конфедерацияси раисининг ўринбосари, конфедерациянинг МДҲ давлатлари бошлиқлари кенгаши ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгашидаги доимий вакили Э. М. Жакселеков, кузатувчилар сифатида Молдова мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси С. А. Урекян ва Украина касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари В. Б. Пожидаев ўртоқлар қатнашдилар.

Мажлисда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан касаба уюшма марказларининг фаолияти ва мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлар тингланди, иқтисодий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш юзасидан давлат ва ҳукумат бошлиқларига мурожаатнома қабул қилинди, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишчи кучи қиймати бўйича касаба уюшмалари нуқтаи назари белгилаб олинди, янги иқтисодий шароитларда меҳнатни муҳофаза этиш соҳасида ҳуқуқий ва меъёрий базани такомиллаштириш ва ривожлантириш масалаларида касаба уюшма марказларининг биргаликдаги ҳаракат режалари келишиб олинди.

Делегация раҳбарларининг ўз мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан касаба уюшмаси ташкилотлари олиб бораётган ишлар юзасидан берган ахборотлари қизиқиш билан тингланди. Улар иш ҳақи, меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришга алоҳида эътиборни каратдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши делегацияси аъзолари Президентимиз И. А. Каримовнинг касаба уюшмаси фаоллари билан учрашуви, иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, адресли ижтимоий ёрдамга ўтиш, ишсизлик шароитида меҳнаткашларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. Меҳнатни муҳофаза этиш тўғрисида яқинда қабул қилинган қонуннинг моҳиятидан йиғилганларни хабардор қилдилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш давлат ва ҳукумат бошлиқларига қарата қабул қилган мурожаатномасида МДҲ мамлакатлари иқтисодий иттифоқини тузиш тўғрисидаги қарорни тезроқ қабул қилишни сўради, шунда интеграциялаш, ягона иқтисодий кенгликда фаолият кўрсатиш жараёнлари ривожланган, давлатларнинг молиявий ва иқтисодий сиёсатини, пул-кредит ва банк муносабатларини, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ва ҳисоб-китоб ишларини мувофиқлаштириш имкони яратилган бўларди.

Касаба уюшмалари марказлари ўз йўллари билан баёнотнома қабул қилиб, республикаларо хўжалик алоқаларини тиклаш, корхоналар, тармоқлар ва минтақаларо муносабатларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратларини бирлаштиришга келишиб олдилар.

Ишонч № 33 1993

ОДАМЛАРГА ЕЛКАДОШМИЗ

ДЕҲҚОН... Қадоқ қўлларида қуёш тафти акс этган заҳматкаш. Она тупроққа бош эгиб, ундан олтину зар ундирган бободеҳқон... Бугун сени кўкларга кўтариб мақтамоғим, кўнгил дардларингга малҳам бўлгим келади. Яна, яна халққа елкадошлигингдан, фидойилигингдан, содда ва самимий инсонлигингдан ғурурланганим келади... Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси анжуманидаги дилтортар гапларни тиглаб қўнглимдан ана шу фахрияни такрор-такрор ўтказдим.

Дала меҳнаткашларининг, қишлоқ хўжалик соҳаси фидойиларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишига бағишланган ушбу анжуман жўшқин кайфиятда ўтди. Унда Республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Т. Ҳ. Собитов «Ўзбекистон агросанат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича вазифалари тўғрисида» мавзуида маъруза қилди.

— Биз истиқлол, мустақиллик, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя деган сўзларга урғу берамиз,— деди у.— Негаки, бу сўз замирида бугунги шонли тарих ва эртанги истиқбол шукуҳи мужассам. Республика Президенти Ислом Каримов бозор муносабатларига ўтиш жараёнида сиз азиз меҳнаткашларни, аҳолининг алоҳида ёрдамга муҳтож қисмини яқиндан ўрганиб, ҳисоб-китоб қилишни, яъни ўзингиз сайлаган касаба уюшма ходимларига ишонч билан топширганлар. Ўйлайманки, Марказий қўмитанинг ҳар бир аъзоси қалбида сизнинг дардингиз, ўй-орзуингиз, бугунги ва эртанги ташвишингиз кечинмаси мужассам. Демакки, Президентнинг биз билан учрашувда таъкидлаб ўтганидек: «Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳар бир масалага меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашдан келиб чиқиб, ёндошишдан иборат».

Мустақилликнинг икки йиллиги бизга нима берди деган савол туғилади. Хўш, бу вақт мобайнида қандайдир муваффақиятга, дунёга маълум маънода ўзлигимизни танита олишга эриша олдикми? Мамнуният билан фахр этайки, ҳа, ўзбек ўзлигини истиқлол боис дунёга танитди. Яхшиси, ўз вазифамиз мисолларида олиб кўрайлик. Республика агросаноат комплекси таркибига кирувчи вазирлик ва муассасалар билан касаба уюшмаси Марказий қўмитамиз битимлар тузилди ва унинг самаралари кўрилди. Жорий йилнинг ўзида 11 битим имзоланди.. Агросаноат мажмуи моддий техникавий таъминоти ва техник тузатиш давлат кооператив қўмитаси қўшимча иш жойларини яратиш мақсадида 87 кооператив ва кичик корхоналарни ташкил этди.

Бозор иқтисодиёти руҳига ва қонунларига мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини келишилган нархларини белгилашга босқичма-босқич ўтилиши ҳам халқ манфаатини кўзлаб қилинаётгани аниқ. Аҳолининг кам даромадли ва ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялашга интиламиз ҳамда бу борада вилоятларда тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Шуни таъкидламоқчиманки, касаба уюшмаси қўмиталари ҳақ тўлаш системаларини жойларда жорий қилинишини қатъий назорат остига олишлари керак.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳот такомиллаштирилмоқда. Йил бошидан бери 300 тадан ортиқ совхоз давлат тасарруфидан чиқарилди. Бугунги кунда 12,5 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилиб, 112 минг гектар ер бириктирилган. Шунингдек, иш юритишда «Ўзптицпром» республика бирлашмаси тизимидаги Зангиота туманида жойлашган «Ўзбекистон» ижара паррандачилик фабрикасида ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича ўзига хос ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жамиятимиз бозор муносабатини эртами-кечми, барибир бошидан кечиради, бозор қонунияти — объективдир. Шунинг учун бундан сира чўчимаслик, эртанги яхши кунларга ишониб яшамоғимиз зарур.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги касаба уюшмаси раиси Ф. Иброҳимов мустақилликнинг қутлуғ икки йиллиги ва шу даврда қилинган ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Минбардан сўз сўраган Н. Зулева пахтакорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, касаба уюшмалари фаолиятидаги муаммолар ҳақида тўхталди.

— Ўзбекнинг Ислом Каримовдек ғоят билимдон иқтисодчи раҳбари бор экан,— деди музокарада сўзга чиққан академик С. О. Усмонов — Биз юртдошлар ҳеч қачон кам бўлмаймиз, негаки биз ислоҳот дастурининг жаҳон бўйича энг самарали усулида иш олиб бормоқдамиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотнинг асосий 5 йўналиши бунинг ёркин далилидир.

Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги «Навоий» колхозининг раиси А. Зияев эртанги кун эгаларининг бугунги турмуш тарзи, уларга яратилган имтиёзлар ҳақида тўхталди. Ислоҳот бизга, ғурур билан айта оламизки, оддий меҳнаткашнинг ўз меҳнати роҳатини кўра олишдек бахтни насиб этди. Президентимизнинг асосий кўзда тутган мақсадлари ҳам шу — одамларни ҳар томонлама муҳофаза этиш. Биз қисқа давр мобайнида кўпгина кичик корхоналар очдик, нон, сут ва ғишт заводлари ишга туширилди. Туркиядан тегишли юмушларни юритиш бўйича иш тажрибаси ўрганиб келинди. Ният ва мақсадларимиз улкан. Улардан энг асосийси фарзандларимизни лицейлар қошида ўқитиб, жаҳон тилларини мукаммал ўргатишдир.

Қорақалпоғистонлик вакил экскаваторчи-машинист О. Камолов ҳам мустақилликнинг афзалликлари, ўз касаба уюшмалари, фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирди.

Мустақилликни асраб-авайлаш, қўлга киритилган деҳқон эркинлигини асраш сўзга чиққанларнинг энг асосий фикрлари бўлди, десак янглишмаймиз. Зеро, эркинликкина кишини олға етаклайди, янги ғоялар сари бошлайди. Бўка туманидаги «Дўстлик» деҳқон хўжалигининг фермери Ш. Валижоновнинг чиқиши худди шу фикрнинг ёркин далили бўлди.— Деҳқон меҳнатсиз туролмайди,— деди отахон — унинг тирикчилиги, бир бурда нонини ҳалоллаб ейиши ана шу меҳнатидандир. Истиқлол туфайли хўжалигимизда дунёга келган ва бугунимизнинг тўкин-сочинлиги, дастурхон файзи-баракаси учун баҳоли қудрат интилмоқдамиз. Биз унутилаёзган қадриятларимизни тиклаяпмиз, отабоболаримизнинг руҳини шод этаяпмиз. Ҳозир хўжалигимизда жувозхона, парварда цехлари ишга туширилган. Мени битта нарса ташвишга соладики, бу ҳам бўлса меҳнат қилган деҳқоннинг бозорга боришдаги ташвишлари, сарсон-саргардонликларидир. Гап нимада дерсиз. Ҳозир айни серобчилик, пишиқчилик маҳали, мева-чеваларни шаҳарга олиб келишда айрим тўсқинликларга учраган деҳқон бозорга тушмай қўйяпти. Оқибатда етиштирилган ёки пишиб етилган мевалар нобуд бўлаётир. Деҳқон меҳнатини сал тушуниш лозим-да.

Фарғона ёғ-экстракция комбинатининг цех бошлиғи М. Муҳаммаджонованинг куйинчаклик билан айтган сўзлари нақадар фидойи гаплар. Ўзбекнинг хонадонида кунора ош дамланади, унга берилаётган ёғ етмаслиги мумкин, шунинг учун кўпроқ маҳсулот етиштиришимиз зарур, деди у. Яна болаларнинг нафақа миқдорини ошириш лозимлигини, колхозчи аёллар меҳнатига енгилликлар бериш лозимлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатини муҳофаза этиш, уларнинг янада самаралироқ фаолият кўрсатишлари учун имконият яратиш бош масала эканлигини юртбошимиз ҳар бир чиқишларида қайта-қайта уқтириб ўтадилар. Негаки элни едириб-ичираётган, кийинтираётган мана шу қадоқ қўлли фидойилардир. Деҳқонга бўлган муҳаббат бутун ўзбек халқига бўлган ҳурмат ва иззат-эҳтиромдир. Дала меҳнаткашларининг бугунги ўйташвишлари, қувонч ва муаммолари мужассам ушбу анжуманда атиги етти нафар вазирлик ва концернлар биринчи раҳбарларининг муовинлари ва бош мутаххассислари иштирок этишди. Ҳолбуки биринчи раҳбарларнинг ўзи бу минбардан айтилаётган фикрларга ўз муносабатларини билдириб, тегишли йўл-йўриқ беришлари лозим эди. Энг ачинарлиси шуки, Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва «Ўзозиқ-овқат саноати» давлат-акционерлик концернидан бирортаям вакил қатнашмади. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир улар ҳозирги долзарб бир паллада деҳқон дардларини тинглаб зудлик билан тегишли ёрдамни беришлари керак эмасми? Бу ҳақда муҳтарам раҳбарлар бир ўйлаб кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Ниҳоятда фикр-мулоҳазаларга бой, ўзбекона руҳ билан суғорилган анжуман ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов якунловчи нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида муҳим қарор қабул қилдилар.

Норинисо ҚОСИМОВА,
«Ишонч» мухбири.

ҚУРИЛИШ БОР ЖОЙДА — ИСТИҚБОЛ БОР

КАСАБА уюшма фаолларининг Республика Президенти билан бўлган учрашувида Ислом Каримов енгил саноат тармоғи иши ҳақида самимий гапларни айтди. У «Ўзенгилсаноат» ассоциациясининг тадбиркорлиги билан тармоқ бир маромда ишлаётганлигини, бу ерда кўп масалалар бошқа тармоқларга нисбатан тез ва самарали ҳал этилаётганлигини таъкидлади.

Ўтган ярим йилда тармоқда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 1992 йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоизга ошди. Жун ва ип газламалар, трикотаж ва тикув буюмлари, ип ва чинни идишлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Бу тармоқда ўтказилаётган ислоҳотларнинг илк самаралари эди.

Енгил саноат эндиликда кўп тармоқли йирик индустриал комплексига айланган. Тармоқда 300 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Яна янги қувватларни қуриш ва ишга тушириш чоралари кўрилаяпти. Чунки, Президентимиз айтганидек, иқтисодий мустақилликка эришиш учун ривожланган мамлакатлар билан алоқа қилиш, бунинг учун эса халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қуриш зарур бўлади. Шу кўрсатма тармоқда муваффақиятли бажарилмоқда.

Ҳозир Тошкент, Бухоро, Андижон тўқимачилик ва ип-газлама комбинатлари техник жиҳатдан қайта қуролланмоқда. Республиканинг Бўка, Шофиркон, Шовот, Пойтуғ каби еттита туманида йигирув, Тошкент, Ромитан, Жондор шаҳарларида йигирув-тўқув фабрикалари қуриляпти. Хомашё бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлмаслик учун Тошкент вилоятида йигирув фабрикаси, крахмал заводи бунёд этиляпти. Наманганда сунъий мўйна ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти.

Ижтмоий ҳимоянинг муҳим белгиси иш ҳақи ҳисобланади. Ҳозир тармоқ бўйича ўртача иш ҳақини 40 минг сўмга етказиш имкониятлари изланмоқда. Ходимлар аттестациядан ўтказилиб,қобилияти ва маҳоратига яраша иш билан таъминланаяпти.

Енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бажарилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди. Маърузачи — тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Т. Б. Мурсалиева ислоҳот самараларини тилга олиш билан бирга асосий эътиборни ижтимоий ҳимоя шакл ва усулларини такомиллаштиришга, тажрибадан ўтган иш усулларини қайта қўллашга ва бошқа масалаларга қаратди.

Ассоциация маҳсулот ҳажми ва меҳнат унумдорлигига қараб инженер-техник ходимларни мукофотлаш масаласини Низомга киритишни тавсия этди. Нарх-наво ва иш ҳақининг ошиши муносабати билан ижтимоий ҳимоя бўйича пайдо бўлаётган қўшимча имкониятларни жамоа шартномасига киритиш керак, деган таклиф бўлди. Касаба уюшма ташкилотлари ҳозир унутиб юборган бир қатор тадбирлар ўз вақтида яхши самаралар берган эди. Илғорлар слети, касб маҳорати кўриги, ищчилар эстафетаси — буларнинг нимаси ёмон эди? Лекин янги шакллар топилмай ҳаммасидан кечиб юбордик. Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг, деб Президент тўғри кўрсатма берган эди. Шу асосда касаба уюшмаси ташкилотлари янгича иш усулларини излаш билан бирга саналган усулларга ҳам қайтишлари мумкин.

Ассоциация бошқаруви саналган усулни қўллаб республика мустақиллигининг икки йиллиги шарафига шанбалик ўтказишга, тушган маблағнинг 100 минг сўмини эса «Соғлом авлод учун» жамғармасига тақдим этишга қарор қилди.

Мажлисда сўзга чиққан Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Қ. Маҳмудова, Бухоро вилояти касаба уюшма қўмитаси раиси М. Ражабова, Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси З. Мирзаева, Самарқанд чинни заводи касаба уюшма қўмитаси раиси Х. Абдурасулов, Андижон пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси М. Расулов ва бошқа ўртоқлар ўз жамоаларида ислоҳотларнинг боришини чуқур таҳлил этдилар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган ўз таклифларини ўртага ташладилар.

Мажлисда «Ўзенгилсаноат» ассоциацияси бошқаруви раиси У. Қ. Исмоилов нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова иштирок этди.

«Ишонч» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БЕҲИСОБ НЕЪМАТЛАРИ

Республикамиз мустақил деб эълон қилинган кун халқимизнинг энг азиз, энг қувончли байрами бўлиб қолди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу мўътабар кунни алоҳида тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Тўйга тўйёна билан боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги арафасида тармоқ касаба уюшмаларида қандай қувончли воқеалар рўй бермоқда? Мустақиллик йиллари қандай неъматлар бахш этди? Жамоатчи мухбиримиз жойларда бўлганида бу саволларга қуйидагича жавоблар олди:

Патто НУРМИРЗАЕВ, Ўзбекистон ўрмон тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов касаба уюшмаси фаоллари билан бўлган учрашувда зиммамиздаги вазифани аниқ ва лўнда ифодалаб берди. Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси, деди у, ҳар бир масалага меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ёндошишдан иборат.

Тўғри гап. Касаба уюшмаси учун инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Биз одамларга қанчалик меҳрибон бўлсак, уларнинг бизга бўлган меҳри ҳам орта боради. Ғамхўрлик биринчи навбатда мамлакатда осойишталик ва барқарорликни таъминлайди, чуқур ислоҳотлар ўтказиш учун шароитлар яратади. Бу йўналишда давлат билан ҳамиша елкадошмиз.

Намунали иш ва турмуш шароитларини яратиш, ишсизликка қарши курашиш, ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш каби масалалар касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва «Ўзбекмебель» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси, давлат ўрмон қўмитаси, «Ўзглавстройдревпром» муассасалари ўртасида тузилган битимда, корхона ва хўжаликларда тузилган жамоа шартномаларида ўз аксини топган. Битим ва шартномаларда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши туфайли ижтимоий кескинликлар сусаймоқда, иш жойлари сақлаб қолинмоқда, тармоқ меҳнаткашлари ва эҳтиёжманд оилалар барча неъматлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Мустақиллик туфайли битим ва жамоа шартномалари катта ижтимоий йўналишга эга бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашган ҳозирги шароитда тармоқ ишчиларига овқатланишлари учун товон пуллари бериляпти. Биргина қуёшдан ҳимояловчи ускуналар заводи ишчи-хизматчилари ўтган ойларда қарийиб 30 минг сўмлик шундай ёрдам пули олдилар. Нафақа пуллари ҳам кўпайтирилди. Кўпгина корхоналарда меҳнат таътили муддати 30 кунга етказилди.

Молиявий қийинчиликларга қарамай тармоғимиздаги «Шодлик» ва «Ўрмон эртаги» соғломлаштириш лагерлари сақлаб қолинди. Уларда 900 нафар ўғил-қиз ёзни соз ўтказяпти. Бунинг учун касаба уюшмамиз 12 миллион сўм ажратди.

Биз Оролбўйи фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу йил ўрмончи ва мебелчиларнинг 25 нафар фарзанди «Ўрмон эртаги» лагерида дам олиб саломатлигини мустаҳкамлади.

Мустақиллик йилларида инсонга бўлган ғамхўрлик ҳар қачонгидан ҳам кучайганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Соғломлаштириш тадбирлари туфайли касалланиш ҳоллари ҳар 100 кишига ҳисоблаганда йилига 34,2 кунга қисқаради. Бундан ташқари уй-жой, мактабгача болалар муасасалари қурилишига эътибор кучайди. Мустақиллик байрами арафасида Бурчмулла ўрмон хўжалиги ходимлари учун 12 хонадонли янги уй қуриб берилди, болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Ҳозир эса 300 ўринли мактаб қурилиши қизғин давом этмоқда. Янгийўл мебель бирлашмасида эса замонавий ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси қурилиши тугалланди.

Ўткир МИРХАБИБОВ, Ўзбекистон нефть ҳамда газ тармоқлари саноати ва қурилиши ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси:

— Мустақиллик туфайли ер ости ва ер усти бойликларидан мамлакатимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятлари яратилди. Сиёсий мустақиллик улуғ мақсад сари курашимизнинг биринчи босқичи бўлса, иқтисодий мустақиллик бу курашнинг иккинчи босқичи ҳисобланади.

Иқтисодий мустақилликка эришиш учун, деди Президентимиз Ислом Каримов касаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашувда, республика ўзини нефть ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаши зарур.

Бу ҳаётий вазифани бажариш учун тармоқ меҳнаткашлари нефть ва газ қазиб чиқаришни кўпайтириш чораларини кўрмоқдалар. Ўтган ойларда бу соҳадаги топшириқлар ортиғи билан бажарилди. Вазирлар Маҳкамасида ярим йиллик иш натижалари таҳлилига бағишлаб ўтказилган кенгашда Президентимиз буни таъкидлаб ўтди.

Мустақиллик меҳнаткашларнинг ишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб боряпти. Одамларнинг кўп ва сифатли ишлашдан миннатдорлиги ошмоқда. Тақсимотдаги умумий тенглик йўқолиб боряпти. Энди ҳар ким ўз меҳнатига яраша улушини оляпти.

Республиканинг иқтисодий мустақиллиги кўп жиҳатдан нефть ва газ саноати ривожига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, нефть ва газ саноатини 2000 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепция бўйича 2000 йилга бориб нефть ва конденсатлар ишлаб чиқариш 10 миллион тоннага етади. Шу нуқтага эришиш учун ҳозир фойдаланилаётган конлардан қазиб олинаётган нефть ва конденсат даражасини сақлаб қолиш, Кўкдумалоқ конини ўрганиб чиқишни, Мингбулоқ конини ишга туширишни тезлаштириш, нефть ва газ захираларини кўпайтириш учун геологик кидирув, ишларни кучайтириш ва янги конларни очиш юзасидан кенг миқёсли ишлар олиб бориш чоралари кўрилаяпти. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаяпти.

Нефть ва газ саноатининг ривожланиш миқёслари касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини ҳам кучайтиришни талаб этмоқда. Бу йўналишда ижтимоий масалаларни ҳал этиш, ишловчилар учун ишончли шароитлар яратиб беришимиз, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнаткашларни соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бу йил тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий ҳимоялашда муҳим қадамлар қўйилмоқда. Йил охиригача 66,9 минг квадрат метр уй-жой, 624 ўринли мактаб, 750 ўринли болалар боғчаси, Қарши шаҳрида маданий-соғломлаштириш комплекси қурилиб битказилди. Уларнинг бир қисми Мустақиллик куни арафасида меҳнаткашларга совға қилинади.

Бугунги кунда тизимимиздаги 37 та болалар боғча ва яслиларида 7,5 мингга якин жажжи фарзандларимиз камол топмоқда. Буларнинг соғлом авлод учун етук инсонлар бўлиб, етишишлари устида алоҳида ғамхўрлик килмоқдамиз. Бундан ташқари уч минг ўринли 12 та соғломлаштириш лагеримиз ҳам ҳозир ўқувчи ёшлар билан гавжум, 750 ўринга мўлжалланган 6 та профилакторий ишлаб турибди. Ўйингоҳлар, сузиш ҳавзалари ҳам ёшлар ихтиёрида.

Тармоқ меҳнаткашларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам ижтимоий ҳимоянинг муҳим қисми ҳисобланади. Шу мақсадда 4 та давлат ва 76 та ёрдамчи хўжалик ташкил этганмиз. Ишчи таъминоти тизимида 327 та магазин ва 304 та умумий овқатланиш корхонаси ишлаб турибди. Бу объектларнинг аниқ бир маромда ишлаши устидан назорат қилиб турибмиз.

Эндиликда биз корпорация ходимлари учун медицина-санитария қисми қуриш масаласини кўймоқдамиз. Бу масала ҳозир ўрганиляпти, ҳисоб-китоблар қилинаяпти.

Агар медицина-санитария қисмини ташкил этсак биз моддий ва маънавий жиҳатдан кўп нарса ютамиз. Илгари кўпгина корхоналар МДҲ мамлакатларидаги даволаш муассасалари билан шартнома тузиб, уларга катта миқдорда маблағ ўтказар эдилар. Бу тажриба ўзини кўп ҳолда оқламас эди. Ҳозирги шароитда эса бутунлай оқламайди. Шунинг учун медицина-санитария қисмини ташкил этсак иқтисодий жиҳатдан кўп нарса ютамиз. Одамлар ҳам сарсон бўлиб олис юртларга қатнашдан қутилади. Мустақиллик бизга мана шундай ҳуқуқлар бериб қўйган экан, ундан тўла фойдаланишимиз керак.

Мустақиллик неъматлари беҳисоб. Ҳамма гап уларнинг қадрига етишда ва кўпайтиришда қолган.

Сухбатдош: Жасур НОСИРОВ.

ИШОНЧГА ЛОЙИҚ БЎЛИШ БУРЧИ

КАСАБА уюшмалари Самарқанд вилояти кенгашининг бўлиб ўтган мажлиси шу куннинг энг долзарб масаласи — Республикада ўтказилаётган ислоҳотлар шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг масъулиятини ошириш мавзусига бағишланди. Кенгаш раиси М. Б. Шодиеванинг шу ҳақдаги маърузасида ўртага ташланган муаммолар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Раис гапни мана бундай бошлади:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг касаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашувида бизларни ислоҳотларни амалга оширишда елкадош, деб таърифлаб билдирган ишончидан беҳад руҳландик.

Ўзимизнинг ўта масъулиятли ва собиткадам ишимизда вилоят ҳокимлиги билан имзолаган Битим асосида иш юритишимиз ҳамда келишилган шартларга биноан битимдаги ҳар бир бандинг тўлиқ бажарилишини таъминламоғимиз даркор. Вилоят ҳокимлиги томонидан битимга мувофиқ зиммага олинган муҳим масалалардан бири ишсизлар сонини камайтириш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишдир. Вилоятда фермер хўжаликларига, кичик корхоналарга моддий ва молиявий ёрдам мунтазам равишда бериб борилмоқда. Шу туфайли ҳозиргача 1340 фермерлик ва ижара хўжаликлари, 154 кооператив, 776 та кичик ва қўшма корхоналар ташкил бўлди. Давлат тасарруфидаги 1595 корхона ва унинг тармоқлари ҳусусийлаштирилди.

Бироқ айрим жойларда ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларининг қонунларга нисбатан тўғраларча муносабатда бўлишлари оқибатида бажарилиши лозим бўлган ишлар лоқайдлик туфайли чала-чулпа бўлиб қолмоқда.

Бу йил меҳнаткашлар ва болаларни соғломлаштиришга касаба уюшмалари ҳамда ижтимоий суғурта бюджетларидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Санаторий-курортларда даволаниш учун бир йилга 250 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланган. Шундан 204 миллиони болалар ва ўсмирларнинг дам олишини таъминлашга сарфланаяпти. Ҳозиргача вилоятдаги 17 санаторий-профилакторийда 8 мингдан ортиқ киши, жумладан 154 она-бола ҳамда 2800 дан кўпроқ талабалар соғломлаштирилди.

Бу йилги мавсумда болаларнинг барча турдаги соғломлаштириш оромгоҳларида 50 мингдан зиёд бола даволанди. Йўлланмаларнинг қиймати 10—15 минг сўмни ташкил этсада, ота-оналар тўлаган бадаллар 100 сўмгина бўлди, холос. Айрим хўжалик раҳбарлари ва касаба уюшмалари қўмиталари оромгоҳларга йўлланмаларни бепул таркатдилар. Жумладан, «Қинап» заводи, Консерва комбинати, Тамакини қайта ишлаш заводи ва бошқа корхоналарда ана шундай хайрли ишлар қилинди.

Нотиқ ўз маърузасида энг аввало инсонни асраш масаласига диққатни қаратди. Бу ҳақда тегишли қонунларга риоя қилинишини ҳамиша назорат қилиб бориш керак, деди. Меҳнаткашларнинг иш шароитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш омиллари хусусида тўхталиб, касаба уюшмалари ташкилотлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича техника назоратчилари кўраётган чора-тадбирларни тилга олди. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли ишлаб чиқаришда ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан бу йилнинг биринчи ярмида бахтсиз ҳодисалар 19 тадан 9 тага камайди. Техника назоратчилари вилоятдаги 349 та корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолатини текширувдан ўтказдилар. Бунда меҳнат муҳофазаси меъёри ва қондаси бузилишига даҳлдор бўлган 4300 та ҳолат ошкор этилди. Бундай камчиликларга мунтазам равишда йўл қўйиб келган 70 нафар лавозимли шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Масъул ходимлардан 10 киши ўз лавозимидан бўшатилди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, меҳнат муҳофазаси бўйича қатор тадбирлар молиявий қийинчиликлар, жиҳозлар, шамоллатиш қурилмаларининг йўқлиги туфайли бажарилмай қолаяпти. Айрим банклар ишчиларнинг истеъмоли учун сут сотиб олиш бўйича корхоналар томонидан маблағ кўчиришга асоссиз равишда тўсқинлик қилмоқдалар. Бу айни вақтда касб касаллигининг кучайиб кетишига олиб келади. Вилоятдаги Темирйўл, Каттақўрғон, Булунғур туманларининг банклари худди шундай нотўғри йўл тутмоқдалар.

Вилоятда уй-жой масаласини ҳал этиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Мураккаб иқтисодий вазиятда ҳам вилоятимизда корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан уй-жой қурилиши давом этмоқда. Якка тартибда уй қурувчиларга ер участкалари ажратиб берилаяпти. Бу йил «Ўроқ ва болға» консерва комбинатининг 60 хонадонга мўлжалланган уйи қурилиб фойдаланишга топширилди. «Оби-ҳаёт» қурилиш монтаж бошқармасининг 48 квартирали уйининг қурилиши тугалланмоқда. Нон ва сут комбинатлари уй-жой қурилишига 10 миллион сўмдан маблағ ажратдилар. Ушбу корхоналарда якка тартибда уй-жой қурувчиларга 200—300 минг сўмдан ссуда берилаётир.

Президентимиз Ислом Каримов учрашувда таъкидлаганидек, ишсизликнинг олдини олиш ва кишиларни иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Вилоятимиздаги барча касаба уюшмалари фаолияти ана шу масалага йўналтирилган. Кўпгина хўжалик ва ташкилотларда янги ишчи ўринлари ташкил этиш юзасидан бир қатор ишлар қилинаётир. Ургут туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида 20 иш ўрини сутни қайта ишлайдиган цех, 100 иш ўринли консерва цехи, 40 иш ўринли тамакини қайта ишлайдиган цех, 15 иш ўринли кулолчилик цехи бунёд этилмоқда. Бу тадбирлар мазкур жамоа хўжалигида ишсизликка тамоман барҳам беради. Ушбу тумандаги «Янгиобод» жамоа хўжалигида тўқимачилик комбинати қурилишига 11 гектар ер майдони ажратилди. Корхона ишга туширилгач, 6 минг кишини ишчи сифатида ўз бағрига олади.

Самарқанд туманида 16 та кичик корхона, 3 та консерва цехи ва бошқа корхоналар қурилмоқда. Булар ишсизлар сонини 20 минг кишидан 4 минг кишига пасайтириш имконини беради.

• Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллик байрами яқинлашиб келяпти,— деди маърузачи нуткининг сўнгида. Уни яхши кайфият ва хурсандчилик билан кутиб олиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Президентимиз айтганидек, мустақил Ўзбекистоннинг халқини ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан турмушини енгиллатиш, барча қийинчиликларни енгиш, биз касаба уюшмалари кенгаши, вилоятимиз ҳокимилиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уни ижро этиш, барча ишларда елкадош бўлиб иш тутишда ўз кучимизни аямаймиз.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси муовини М. М. Тўлаганова, Самарқанд вилояти ҳокими П. М. Абдураҳмонов нутқ сўзладилар.

Мажлис муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

А. ТОЖИБОЕВ

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ЮТАДИ

ҲОЗИРКУ айни ёз палласи, ташқарида тизза бўйи қор турганида ҳам бу ердаги лимон шохларига боқсангиз, кўзингиз қувнайди. Товланиб турган олтинранг меваларни кўриб, инсон аклига, меҳнатига қойил қоласиз. Ўзингизнинг жаннатмисол боққа кириб қолганингизни ҳис этасиз, беихтиёр. Сал нариоқ юрсангиз, помидор ва бодринглар ғарқ пишиб ётибди. «Ойнаванд осмон» аро қуёш мўралайди.

...Бундан ўн уч йил муқаддам Нарпай туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида «Узагропромстройтеплица» трестининг 448-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари 6 гектарлик иссиқхона қурилишига киришган эди. Ўшанда бу ишнинг ташкилотчиси Салим Ҳабибовнинг ҳаракатига айрим кишилар беписандлик билан қарашганди. Ният холис бўлса, худонинг кўзи ўнг бўлади, дейишади. Ният холис экан. Тажрибали мутахассис Бобонор Шукуров бошлиқ участка бунёдкорларининг астойдил меҳнати туфайли қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Пешма-пеш лимон кўчати ўтқазилиб, 1986 йилда 1220 дона лимон кўчатидан дастлабки ҳосил олинди.

Оралиқ экинлар ҳисобланган помидор ва бодринг етиштириш эса 1982 йилдан йўлга қўйилди. Умуман, дастлабки йилларданоқ ҳар гектар ойнаванд участкадан 100 минг сўмдан ошириб даромад қилинди. Иссиқхона тўлиқ ишга тушган 1987 йилдан бошлаб эса ҳар гектар иссиҳонадан олинадиган даромад дастлабки йиллардагига нисбатан 5-6 баробар ошди.

Ҳозир иссиқхона жамоа хўжалиги тасарруфидан чиқарилиб, хўжалик ҳисобида мустақил иш юритаётир. Унда айни пайтда 141 киши меҳнат қилаётир. Иссиқхона хўжалигининг ўтган йилги умумий даромади салкам 6 миллион сўмга етган бўлса, шу йилнинг ўтган ойларида бу рақам 28 миллион сўмни ташкил этди.

Лимончилик ҳақида гап кетганда иссиқхона хўжалиги меҳнат аҳли ҳамиша кекса боғбон Сиддиқ бобо Очиловнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Неғаки, «Ойнаванд осмон» остидаги лимон кўчатларини ўтқазишда, уларни парваришлаб вояга етказишда унинг қалб ҳарорати сингган.

Иссиқхона хўжалиги меҳнат аҳли эришаётган ютуқка Раббим Алимов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси аъзолари ҳам салмоқли улуш қўшмоқдалар. Улар йил бошидан меҳнаткашлар дастурхонига қарийиб 50 тонна бодринг, 5 тонна помидор етказиб беришиб, бодрингдан 4 миллион 560 минг, помидордан 1 миллион 285 минг сўм даромад келтиришди. Ана фойда-ю мана фойда.

Бу чуқур ўйлаб, кенг мулоҳаза қилиниб, кенгашиб ва фикрлашиб асосийси узоқни кўзлаб қилинган ишнинг қувончли самаралари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик меваларидир.

Жамоа хўжалиги иссиқхонаси мустақил равишда, хўжалик ҳисобида иш кўра бошлагач, тиниб-тинчимас раҳбар Салим Ҳабибов хўжалик учун 6 гектарлик яна бир иссиқхона қуриш ташаббуси билан чиқди. Бу иссиқхона қурилишини ҳам илгари участка бошлиғи бўлган, айни пайтда эса «Узагростройтеплица» трестининг Бобонор Шукуров бошлиқ 448-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари ўз зиммаларига олдилар. Объектни тўла фойдаланишга топшириш муддати эса тўрт йил қилиб белгиланган.

Объектни фойдаланишга топшириш икки навбатга бўлинган. Унинг биринчи навбати муҳандислик коммуникациялари ва 2 гектар иссиқхона иккинчи навбати эса 4 гектарлик иссиҳхонани ўз ичига олади. Иссиқхона қурилиш материаллари ва технологик жиҳозларни Ворошиловград вилоятининг Антрацит шаҳри корхоналари етказиб бермоқдалар.

Шу йилнинг бошида иссиқхонанинг бир гектари фойдаланишга топширилган эди. Яқинда унинг дастлабки маҳсулоти — бир неча тонна помидор меҳнаткашлар дастурхонига етказиб берилди.

Шунингдек, механизациялашган кўчма колоннасининг Шамсиддин Нажимов бошлиқ пешқадам участкаси бунёдкорлари Нарпай туманидаги «Иттифоқ» ва Пахтачи туманидаги «Хумор» жамоа хўжаликларидаги ҳар бири 6 гектарлик иссиқхоналар қурилишини ҳам шу йилнинг охиригача фойдаланишга топшириш учун сидқидилдан меҳнат қилишаётир.

Келгусида бу иссиқхоналар ҳам халқимиз дастурхони тўкинлигининг манбаи, хўжаликлар учун эса даромад нони бўлиб қолиши, шубҳасиз.

«Ишонч» мухбири.

Суратда: Бригада бошлиғи Раббим Олимов ишчи Муқаддас Рўзиева билан маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

Суратқаш: Т. Норқулов.

ИШБОШИ ТАДБИРКОР БЎЛСА...

ФАРҒОНА механизациялашган чорвачилик станцияси Қувасой шаҳри ҳудудида жойлашган бўлиб, нафақат шаҳар ташкилот ва хўжаликларига, балки вилоят қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ҳамда қисман Чўнг Олойдаги хўжаликларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу жамоага мутахассис муҳандис Қодиржон ака Холматов раҳбар бўлиб келди-ю ишлар янада юришиб кетди.

Корхонада ҳозирги кунда 62 та автомашина мавжуд. Шуларнинг 51 таси асосий ишни бажарувчи юк машиналаридир. Турли маркадаги 40 та трактор ҳам буюртмачилар оғирини енгил қилиб келмоқда. Айни пайтда бу корхонага буюртма берувчи ташкилотларнинг сони вилоят бўйича 100 дан ортиб кетди. Шунинг учун ҳам йилнинг ўтган ойларида корхона бўйича жами 4,5 миллион сўм соф даромад олинди.

— Бундай кўрсаткичларга биз осонликча эришганимиз йўқ,— дейди корхона бош иқтисодчиси Муҳаммаджон ака.— Раҳбариятнинг ишчиларни яхши тушуниб, уларни меҳнатларига яраша ўз вақтида рағбатлантириб туришлари корхонада ишнинг олға силжишига омил бўлмоқда. Ҳозирги кунда корхонамизда ўртача ойлик маош 30 минг сўмни ташкил этмоқда. Шу билан бирга ҳар ойда ишчиларга овқат пули бериб турамиз. Иш давомида ўзини кўрсатган, режаларини доимо ошириб бажариб келаётган ишчиларга эса ойлик маошларига нисбатан 40 фоиз миқдорида мукофот пули ажратганмиз.

Ҳа, бу гапларда жон бор. Қаерда ишчиларга бўлган муносабат яхши бўлса, ўша ерда иш унуми ҳам юқори бўлади. Шу сабаб бўлса керак, бу корхонада ишчилар ўз ишларини севишади, унга масъулият билан ёндошишади. Бош иқтисодчининг гапларига яна шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, ишчиларга қурилиш материалларидан ҳам ёрдам бериб турилибди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга кўрсатилган хизмат ҳақи ҳисобига улардан шифер, бўёқ, ҳар хил ҳажмдаги асбест трубалар келтирилиб, шу материалларга муҳтож бўлган ишчиларга сотилмоқда. Бу эса ишчиларнинг янада самарали, янада сифатли, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб иш бажаришга ундамоқда. Бундайларни корхонада истаганча топиш мумкин. Тракторчилардан Собирхон Ҳошимов, Иброҳим Мирзалиев, созловчилардан Асқарали Тўхтаров, Маъруфжон Халилов, таъмирловчи Ҳусанжон Абдураҳмонов, токарь Асқарали Мўминов, мотор созловчи Мусажон Исмоилов, пайвандчи Анатолий Лунёвлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, корхона қошида турли хилдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариляпти. Дурадгорлик ва темирчилик маҳсулотлари арзон нархда ишчиларга сотилмоқда.

Механизациялашган чорвачилик станциясининг ёрдамчи хўжалигида 5 гектар боғ бор. Шунинг 3 гектари Арсиф адирида, «Наргиз» чойхонаси атрофида бўлса, қолган 2 гектари корхона ҳудудида. Боғбонлар Н. Ҳамралиева Р. Алижоновлар боғларга ишлов беришни кучайтиришиб, ҳозирги мева-чевалар бозорда фалон пул бўлган бир пайтда, биринчи навбатда ишчиларни олма, ўрик, шафтоли билан таъминлаб келишмоқда.

Ҳозир шундай бир даврда яшаяпмизки, ҳар бир корхона, хўжалик ёки ташкилотнинг раҳбари, албатта, тадбиркор, ишбилармон бўлиши керак. Фақат шундай раҳбаргина жамоани иқтисодий тангликдан олиб чиқиши, илғорлар сифига қўшиши мумкин. Механизациялашган чорвачилик станцияси корхонасида бўлганимизда у ерда кўпчилик ўзларининг янги раҳбарлари ҳақида шундай илиқ гаплар айтилди.

У. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

«ОЙДИН»НИНГ ЙЎЛИ ОЙДИН

КИЧИК корхоналар ташкил этиб, маҳсулотни кўпроқ етиштириш борасида ўзининг 40 йиллик тўйини нишонлаган Тахиатош шаҳрининг ишбилармонлари ҳам ибратли ишлаяптилар. Шаҳардаги уйсозлик комбинати қошида ташкил этилган «Ойдин» кўп тармоқли кичик корхонаси шу жумладандир. Бу ерда ишлаб чиқарилган эшик, дераза ромлари, юмшоқ стул, ҳар турли столлар, мебеллар, миллий нақшлар билан безатилган сандиқлар тез фурсатдаёқ катта шуҳрат қозонди.

— Биз баъзи кичик корхоналар каби фақат тижорат, брокерлик ишлари билан шуғулланаётганимиз йўқ,— дейди корхона директори Ортиқбой Есназаров,— асосий мақсадимиз халққа ўта зарур бўлган истеъмол молларини иложи борича кўпроқ ишлаб чиқаришдан иборат. Бунинг учун тадбиркорлик қўл келиб, зарур материалларни ўз вақтида олишга эришдик. Жумладан, Намангандаги тижорат марказидан мебель учун газламаларни, Ашгабатдан паралонни, Россиядан ёғочни етарли миқдорда келтирдик.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам тахиатошликлар ишлаб чиқаришни кўнгилдагидек ташкил қилишга эришдилар. Уларнинг ишидаги ўзгачаликлардан яна бири — кичик корхона асосан буюртма асосида маҳсулот тайёрлайди. Баҳоси ҳам бошқа корхоналарга нисбатан бир мунча арзон. Шу боис нафақат Хўжайли туманидан, балки Қорақалпоғистоннинг бошқа минтақаларидан ҳам харидорлар кўплаб буюртмалар бераяпти.

«Ойдин»ликлар республикамизнинг Мустақиллиги нишонланадиган шонли кунга қадар бир неча миллион сўмлик ҳар хил сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қарор қилишган.

Хуллас, кичик корхонанинг дастлабки қадамлари дадил бўлди. Келажаги эса ҳали олдинда.

«Ишонч» мухбири.

ҚЎНИМ ТОПДИ

Қартошканинг голландия нави Жиззах вилоятининг Бахмал тумани хўжаликлари экин майдонларида қўним топди. Мазкур уруғ «Қатортол» ширкат хўжалигида экиб ўтган йили кўпайтирилди. Бу навдан гектаридан 40 тоннагача ҳосил олиш мумкин экан. «Анаста», «Санте», «Романа» навли голландия картошкасидан 2,5 минг тонна уруғлик тайёрланди.

Бу йил Бахмал тумани хўжаликлари Голландия картошкасидан 350 гектар майдонга экишди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Бўрибой Тошпўлатов — жумладан «Гулбулоқ» давлат хўжалиги 80 гектар, «Тонготар» ширкат хўжалиги 120 гектар, «Боғишамол» давлат хўжалиги 55 гектар, «Нурликуёш» ширкат хўжалиги 50 гектар майдонда Голландия навли картошкани парвариш этмоқда.

Тумандаги Шайзоқ Саримсоков, Неъмат Норбоев, Дўстмуҳаммад Ғаффоров, Эргаш Абдуқаҳҳоров бошлиқ жамоалар ўз далаларига экилган Голландия картошкаларидан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Алибой ЭРГАШЕВ.

АЖДОДЛАР ИБРАТИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗГА икки йил тўлаётган ҳозирги кунларда матбуотларда истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишдек ғоят муҳим ва масъулиятли ишга киришилганлиги ҳақида турли мақолалар, фикр-мулоҳазалар эълон қилинмоқда. Ҳозирча маълум бўлган фикрлар ҳақида аниқ бир хулоса чиқариб бўлмайди, аммо бу ишга баҳоли қудрат иштирок этиш ва мазкур соҳада ўз ўтмишимиздаги буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий меросдан ижодий фойдаланиш энг самарали натижалар беради, деб ҳисоблаймиз...

Маънавий мерос ва миллий қадриятлар — ғоят кенг кўламдаги тушунча. Биз унинг фақат биргина тармоғи ҳақида — жадидчилик ва унинг туб моҳияти, мазкур оқим тарафдорлари, уларнинг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни, қолдирган бой маънавий мероси, бу мероснинг ўтмишда ва ҳозирда тутган ўрни, келажакдаги аҳамияти устидагина қисқача тўхталиб ўтамиз.

XIX аср ўрталарида Туркистонга босқинчилик қилиб келган ўрисларнинг шавинистик сиёсати, ҳозирги Марказий Осиё ерлари, бойликларини талон-тарож қилиниши унга қарам бўлган барча туркий халқларнинг тоқатини тоқ қилган эди. Давлат тизимидаги барча юқори лавозимлар фақат ўрислар қўлига, қолганлари армани ва яҳудийларга бериб қўйилади. Улар «буюк рус шавинистик» сиёсатини зўр бериб амалга оширадилар. Ўрта Осиё Россиянинг хом ашё заминига айлантирилади, мева-чевадан тортиб, пилла-ю, тиллосигача талаб кетилаверади, маҳаллий аҳолининг тили, дини, миллий қадриятлари, урф-одатлари, тарихи, маданияти оёқ ости қилинади. Энг қимматли маънавий бойлиги — маънавий мероси илмий, тарихий асарлари, минглаб қўлёзмалар, ёдгорликлари ўрисларнинг марказий шаҳарларига ташиб кетиладики, айримлари ўғринча чет элларга сотиб юборилади. Бу ишларни Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилиб турган ўрис амалдорлари, шарқ тилларини биладиган ғайри миллат олимлари амалга оширади. Шундай қилиб ерли халқнинг инсоний ҳуқуқлари поймол этилади, иложи борича уларнинг ўзлигини танимаслиги, тарихини, инсоний ҳуқуқларини билмаслиги учун ҳамма чора-тадбирлар кўрилади... Аҳоли бошига шундай фожиалар солиб турилган бир шароитда матбуотларда Россия Туркистонга илм, маърифат, маданият келтирди, деб жар солинар, Туркистон халқининг ҳақиқий ижтимоий аҳволи сохталаштирилиб кўрсатиларди. Бундай оғир мусибатлар, ҳақоратлар ерли миллат ичидаги юқори даражада онгли, илғор зиёлилар қатлами қалбини ўртарди. Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракати айни шу қатламга мансуб кучларни жалб этди ва бу кучлар асосан ўрис мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий мустақиллик учун кураш ҳаракати тарзида шаклланади. Миллий мустақиллик учун кураш эса, миллий қадриятлар, миллий тарих, халқимиз ўтмишидаги буюк анъаналар, урф-одатларга ҳурмат билан кураш жараёнида ўзаро узвий боғланиб кетарди. Шундай қилиб, чор россиясининг Ўрта Осиёга қилган босқинчилиги Туркистон жадидчилик ҳаракатини вужудга келтирди. Жадидчилик — янгилик, жадидлар — янгилик тарафдорлари, тараққийпарварлар маъносини англатувчи ҳаракат ёки оқим сифатида тарихга кирди.

XX аср бошларида Туркияда «Ёш турклар» тарзида шаклланиб, тез орада бутун туркий ва хорижий Шарқ ўлкаларидаги мусулмонлар, шу жумладан Россия қарамоғидаги ерларнинг ҳаммасида яшовчи туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган мазкур ҳаракат фаолиятисиз халқимизнинг бу давр тарихини тасаввур этиб бўлмайди. Модомики, жадидчилик тарих майдонига аввало миллий мустақиллик учун курашувчи куч шаклида чиққан экан, асримиз бошидаги бу ҳаракат мустақилликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган ҳозирги курашларимизда уларнинг тарихий тажрибалари ёрдам бермайдими? Жуда катта ёрдам беради, бунга шубҳа йўқ. Жадидчилик — бизнинг аждодларимиз бўлмиш — Беҳбудий, Садриддин Айний, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Ҳамза, Ғози Юнус, Элбек каби буюкларимизни уйғотди. Номлари тилга олинган сиймолар халқимиз тарихи, миллий қадриятлари, маданияти, моддий ва маънавий ёдгорликлари, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, миллий мустақилликка эришмоқ учун курашиб катта обрў-эътиборга эга бўлдилар ва Ҳамза, С. Айний, А. Авлонийдан бошқа ҳаммалари шўро даври босқинчилик сиёсати томонидан ваҳшийларча қатл этилдилар... Аммо октябрь тўнтаришидан кейинги етмиш йиллар мобайнида халқимиз тарихидаги бу воқеалар ҳам, номлари тилга олинган сиймоларимиз ҳаёти-фаолиятлари ҳам фақат сохталаштирилиб, китоблар, дарсликлар, қўлланмаларда бузиб-ёриб кўрсатилди. Бузиб кўрсатишгина эмас, фақат қоралаб келинди. Икки йиллигини нишонланаётган мустақиллик бизга миллий тарихимиз ва маънавий меросимиздан тўғри фойдаланиш, миллий қадриятларимизни тиклаш имкониятини берган лиги билан ҳам беқиёс қимматлидир. Мустақиллик мафкурасининг илдизларини ўз аждодларимиз тарихидан ахтариб топишимиз лозим. Шу ўринда то кейинги вақтларгача барча ўқув юртларида фойдаланиб келинаётган китобларда мазкур ҳаракат моҳияти ҳамон бузиб ўргатилиб келинаётганини афсус билан таъкидлаш учун баъзи мисолларни келтириб ўтиш жоиз бўлса керак: жумладан, профессор М. Ваҳобовнинг «Ўзбек социалистик миллати», академик Х. Турсуновнинг «Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони», Х. П. Ваҳидовнинг «Туркистонда маърифатпарварлик мафкураси», М. Мусаев ва Ғ. Ўрмоновлар томонидан ўрта мактабларнинг 9—10 синфлари учун ёзилган «Ўзбекистон тарихи» қўлланмаси каби бир қатор манбаларда жадидчилик ҳаракати моҳияти батамом бузиб, ғайри илмий йўсинда изоҳланганича қолиб келмоқда. Ўқувчи ва ўқитувчилар учун бошқа қўлланмалар йўқ, бу кемтикларни дарҳол тузатиб ўз ватанимиз ва аждодларимиз ҳақида ёшларга тўғри тушунча бериш вақти етди.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жадидчилик ҳаракати миллий мустақиллик учун мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш жараёнида пайдо бўлган экан, уларнинг мақсад ва ғояларини халқ ўртасида кенг қўламда тарғиб этиш ва сингдириш воситаси сифатида жадидлар адабиёти ҳам пайдо бўлди. Бу адабиёт зўр бериб илм-маърифат, мактаб-маориф ишларини ривожлантириш масаласини кун тартибининг биринчи, энг долзарб вазифаси қилиб қўйди. Бугина эмас, мактабларда болаларга диний илм, Ислом ақидаларининг энг илғор ғояларини ўқитиш билан бирга аниқ фанларни, Овропача илм-ларни, барча табиий фанларни ҳам ўргатиш, энг тараққий этган мамлакатнинг фан-техника ютуқларидан ўрнак олиш, тараққиётда уларга етиб олиш масаласини ҳам қўйдилар. Бунинг учун ёшларни Овропо, Америка, Олмония сингари ривожланган мамлакатларга юбориб ўқитиш, турли шарқ ва ғарб тилларини ўргатиш учун барча миллат ва халқ маданиятига ҳурмат билан қараш ғояларини ҳам олға сурдилар.

Энди икки оғиз жадидчилик ғояларини тарғиб этиш жараёнида пайдо бўлган ўзбек адабиёти, унинг намоёндалари, асарларнинг туб моҳияти ва бу маънавий адабий мероснинг ҳозирги аҳамияти ҳақида.

Ўзбек адабиётида жадидчилик адабиёти XX аср бошларидаёқ шаклланиб тезда гуриллаб ўсиш жараёнига кириб кетди. «Усули жадид» деб аталган мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар ёзишда Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Фитрат ва бошқалар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Асримизнинг 10-йилларидаёқ Беҳбудийнинг жуғрофия, ҳисоб, тарих, тил, адабиёт соҳасидаги талай дарслик ва қўлланмалари нашр этилди. Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирий, С. Айний, Чўлпон, Ҳамзанинг илм-маърифат орқали бахтга эришган, илмсизлик, жоҳиллик туфайли фожиаларга учраган кимсалар ҳаётини кўрсатувчи қатор бадиий, илмий, публицистик асарлари бирин-кетин матбуотларда чиқаверади. Булардаги муҳим муштараклик асосан илм-маърифатни улуғлашдан иборат эди. 1912—13 йилларда ёзилиб нашр этилган «Падаркуш» драмаси Беҳбудийга жуда катта обрў-эътибор келтирди ва бу асар Туркистоннинг деярли барча вилоятлари театрларида қўйилди. Абдулла Қодирий бу ҳақда шундай деган эди: «1913 йилларда чиққан «Падаркуш»ни ўқиб, «Бахтсиз куёв» отлиқ театр китобини ёзиб юборганимни ҳам билмай қолдим».

Гап шундаки, «Падаркуш» бир жоҳил, саводсиз бойнинг ёлғиз ўғли ҳам ўқимаган, билимсизлиги орқасидан ўғри, муттаҳамлар орасига қўшилиб ичади, чекади, маст-аласт юриб, оқибатда ўз отаси молларини ўғриларга олиб беради, кўз олдида отасини ўғрилар ўлдириб кетади. Бола эса ҳеч нарсани кўрмагандай яна ўғрилар билан маишат қилаверади, қўлга тушиб Сибирга сургун қилинади. Бу асар таъсирида қатор пьеса, шеър, ҳикоялар пайдо бўлади. Асар таъсирида «Бахтсиз қуёв»ни ёзган А. Қодирий «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Тўй» сингари шеърларида ҳам илм-маърифатни тарғиб этиб, Беҳбудий кўтарган ғояларни янада кенгайтиради. «Жувонбоз» ҳикоясида Қодирий ўқимаган бир савдогарнинг тантиқ, эркатой ўғлининг маиший бузғунчилик орқасида бутун оилани хароб қилганини бадиий ифода этади. «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Тўй» каби шеърларида А. Қодирий ўз миллатини ғафлатдан уйғотишга, бир жон, бир тан бўлиб юксалиш йўлига киришга даъват этади. Зарарли одатлардан — ичкиликбозлик, қиморбозлик, маиший бузуқлик, исрофгарчиликка қарши кескин курашни тарғиб қилади.

Самарқандлик шоир Миҳрий юқоридаги ғояни қувватлаб ўз шеърида бундай ёзади:

Истарсиз таълимни — истиқболимизнинг сарасин,
Токи берсин бўла чора сарбасар жон бизлара.
Иттифоқу илмдир асбоби таъмини ҳайъат,
Сарвату қувват веран анжоқдир ирфон бизлара.

Яна бир самарқандлик Мирза Ашраб Ҳилмий деган шоир илм-маърифатни таърифлаб, бундай дейди:

Авропо сояйи илминда мингларча саноатлар,
Қўйиб майдона ўтди, ажнабийларга тижоратлар.
Биза эмди қилибдир қатлу зулму, жабру ғоратлар,
Қиладир ҳолимизга ғайри динлар кўп ҳақоратлар.

Бундай мисоллар кўп. Шу келтирганларда ифода этилган фикрлар асос эътибори билан босқинчилик, чор россияси мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш, миллий мустақилликни қўлга киритиш учун таълим-тарбияни кучайтириш, ривожланган мамлакатлардан ибрат олиш кераклигини қўйиб тарғиб этилади. Жадидчиликнинг туб моҳияти ҳам шу эди. Биз ҳозир айни шу ғояларни илгари суриб, аждодларимиз тажрибаларидан ибрат олишимиз лозим. Ўтмишнинг бугунги аҳамияти ҳам асли шу.

Аҳмад АЛИЕВ.

ДАРЁ ЖЎШИБ ОҚМОҚДА...

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаш тараддуди қизғин авж олган шу кунларда адабиёт олами ҳам бир силкиниб янгиланиб олгандай. Турли жанрларда қалам тебратаётган аҳли адиб кўпдан бошлаган асарларини охирига етказиб, нуқта қўйиш билан уни ёзувчилар уюшмаси ҳукмига тақдим қилмоқдалар. Янги асарларининг деярли ҳар бирида адабиётнинг кекса авлоди мерос қолдирган ижодий анъана руҳи янгича шароитда янгича нафас билан аксини топаётир. Уюшмада ўқилиб, қизғин муҳокамасини кутаётган қатор роман, қиссалар, драма ва достонлар, талай шеърий туркумларнинг аксарий қаҳрамонлари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ҳаётни янгича, жўшқин оқиши сари улкан ҳисса қўшишга қодир, шундай тарихий шароитга, истиқлолнинг истиқболига ишонувчи, курашчан, ибратли кишилар сифатида майдонга чиқаётган ёрқин образлардир. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси биринчи котиби Жамол Камол **Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг»** номли китоби муҳокамасида худди ана шулар тўғрисида батафсил тўхталди.

Ҳар данакнинг мағзи бўлганидай мазкур китоб долзарб масалалар ва тўлақонли хулосалар, йўл-йўриқлар, таъриф-тавсифларга бой. Ҳар бир жумланинг мағзи бутун, ўткир фикр ва маносининг бойлиги билан алоҳида ҳурматга сазовор. Ундаги фалсафий мушоҳадаларнинг ҳар бири мустақил давлатнинг бугунги режаси, эртанги кун равнақи учун жонфидолик кўрсатаётганларни янгича фаолият сари чорловчи бўронқуш чақириғидай таъсирчан дастур, оташ нафас мантиқлар тўла низом мисол.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Одил Ёқубов, тил ва адабиёт институти директори Тўра Мирзаев, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевларнинг маърузалари асосан ана шундай мазмунда бўлди. «Ишонч» газетаси Бош муҳаррири, драматург Тўлқин Қозоқбоев эса мустақил давлатимизнинг мафкураси қандай бўлиши ҳақидаги ўз мулоҳазаларини ҳамкасблари муҳокамасига тавсия қилди. Ундан кейин биринкетин сўз олган Мирхожиддин Ҳайдар, Барот Бойқобилов, Султон Акбарий, Мирза Пўлот, Баҳром Вафоевлар «Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг» номли китобнинг адабий ҳаётимиз равнақи ва миллий маданият тараққиёти сари интилиш учун бебаҳо аҳамияти тўғрисида гапирдилар. Хуллас, мазкур китоб билан Ислом Абдуғаниевич истиқлол сари янгича ҳаёт дарёси оқимига кенг йўл очиб берди. Дарё жўшиб оқмоқда, уни тўхтатиб бўлмайди.

«Ишонч»нинг махсус мухбири.

Ишонч № 33 1993

КОСОНСОЙГА БИР КЕЛИНГ

СОФ ҳаволи, булбул наволи, шифобахш булоқларга бой, тошлар орасидан силқиб чиққан чашма сувлари гўё тиллоларни чайиб чиқаётгандай чиройли жойда нафас олиб оромланасан киши. Кавказу Крим манзараларидан ортиқ бўлса ортиқ-ки, кам эмас.

Косонсой тарихий обидаларга бой, кошоналари нақшинкор, ўймакорли, заргарлик, зардўзлик ҳунарлари тараққий этган маскан. Косонсой санаторийси ёнидаги Жомий масжиди қайтадан таъмирланиб, тикланмоқда-ки Марказий Осиёда ягона улкан жозибадор бино бўлгай. Халқ тўпланиб: одоб, инсоф, поклик, озодалик, инсонийлик тарбиясига ҳушёрлик билан эътибор беришмоқда.

Косонсой санаторийсида даволанаётганлардан: фронт ва меҳнат фахрийлари Аббосхўжаев Абдумўмин, Отамирзаев Сотиболди, Асатуллаев Карим, Умаров Маҳмудхон, Калонов Абдували, Расулов Асадхон, Ўсаров Мухторхонлар, даволовчи шифокор ҳакимлардан Маматхонова Мамлакатхон, Боқихон Ортиқов, Дадажонов Убайдулло, Каримов Раҳимжон, Маҳмудова Либобажон, Мамаев Равшан, Тожибоев Каримжон, Хондадаев Бахтиёрлардан, уларнинг шифоли, қўли енгил тажриба-муолижалари, хуш тавозе, мулойим муносабатларидан миннатдорликларини изҳор этмоқдалар. Даволаш маскани хоналарида: минерал сувида, электр ва қўлда уқалаш, иссиқлик нурида даволаш, бадан тарбия машқларига мосланган жиҳозлардан фойдаланиш, машқ қилиш, ҳатто тишни даволаб янгисини қўйиб бериш имкониятларига эга асбоб-ускуналар билан даволаниб шифоланмоқдалар. Одамларнинг чеҳраси, кайфиятида вақтинча бозор иқтисоди таҳлика маъюслиги сезилса ҳам шукроналар қилиб, мустақиллик туфайли вақт топиб дам олиш, даволанишга улгураётганликларининг ифодаси бор.

Косонсой даволаниш масканида қариялар, меҳнатда тобланган зуваласи пишиқ, юзидан нури аримаган чеҳраси очиқ отахон-онахонлар мириқиб ҳордиқ чиқариб, ҳакиму ҳакималардан миннатдорликларини изҳор этмоқдалар.

Мен ҳам туманимиз ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган бепул йўлланма билан «Косонсой»да мириқиб дам олиб, қайтдим.

Анвархон АҲМАД қори ўғиллари, халқ маорифи аълочиси, ҳунар муаллими.

Бу дилбар қизларнинг муомиласи ҳам, муолижаси ҳам шифо. Қашқадарё вилоятидаги «Бешкент» санаторийсида дам олиб, даволанаётганларга ҳамиша парвона бўлаётган ҳамшира Муҳиба Умаркулова ва бош ҳамшира Комила Жабборова. Халқ саломатлиги йўлида сира-сира чарчаманг, қизлар!

И. Муҳиддинов олган сурат.

ҲАМШИРА ҚИЗ КЛАРА

ҲАМШИРА қиз Кларахон Зияеванинг навбатчилигини соғиниб-соғиниб кутишади. Кечки пайт «Ассалому алайкум!» деб оқ атиргулдай яшнаб палатага кириб келса гўё ярқ этиб чироқ ёнади. Жарангдор, ширали овозими, чеҳрасининг очиқлигими — ҳамма бирдан енгил тортиб кетади.

Кларахон бирма-бир ҳолаҳвол сўрашганда гўё борлиғидан меҳр ёғилаётгандек баҳра оласиз. Унинг одати беморнинг кўзига қарайди, ёнига яқин бориб, пешонасига қўлини қўяди, кайфиятини билади. Арз-додига худди оналардай қулоқ тутиб, ёрдамга ошиқади.

Дўхтирлар ёзиб кетган муолижаларни ўрнига қўйиб, ўз вақтида, чаққон-чаққон адо этишининг ўзи бир гўзал. Кексаларнинг жонига малҳам бўлиб, уларнинг ортиқча инжиқликларига ҳам лаббай деб, айтганларини адо қилади ва уларнинг дуоларини олади. Хуллас, қуш тинса тинади, у тиним билмайди.

Академик Эргаш Отахонов номидаги Тошкент физио-терапия касалхонаси ва унинг юрак касалликлари бўлимида дўхтиру ҳамширалар кўп. Лекин шуларнинг ичида Клара Зияевани ҳамма ёқтиради, севади. Ҳамма у билан гаплашгиси, унинг шифобахш нозик қўлларидан муолижа олгиси келади. Унинг илдам ҳаракатларини, қўли енгиллигини кузатиб, «Ҳар бир касбнинг ўз устаси бўларканда, қани энди ҳар куни сиз навбатчи бўлсангиз, Кларахон» деб юборасиз беихтиёр. Клара эса ҳар уч кунда тунги навбатчиликка келади ва эрталабгача ўзига иш топиб олади.

— Сизнинг ишингизда энг муҳими нима?— деб сўрайман ундан.

— Тўғрилик, ҳалоллик,— дейди Клара,— мен аввал бошқа касалхонада ишлагандим. У ерда мени юлғичликка ўргатмоқчи бўлишди. Йўқ, қалбаки муолижаларга ва ноёб дориларни ишлатмай, касаллик варақасига «ишлатдим», деб ёзишга сираям қўлим бормади. Мажлисда кирдикорларини фош қилган эдим, кейин мени чиқиштиришмади, Кетдим. Бу ерда ҳар ҳолда ҳақиқат борга ўхшайди. Кўнглим тўлиб ишлаяпман. Яна ҳамшира учун энг муҳими,— деб давом этади Клара,— муолижа ва меҳр. Беморлардан меҳримни, ширин сўзимни сира-сира аямасам, дейман. Одамларни севаман, жудаям.

Абдулла ака қизалоғининг машҳур Клара Цеткин каби сўзамол бўлишини ният қилиб, (у ҳақда газеталарда ўқиган эди-да) исмини шундай атади. Ва унинг ҳуқуқшунос бўлиб етишувини орзулади. Афсус, у қизчаси мактаб ёшига етганида улоқ пойгасида отдан йиқилиб, кейин вафот этди. Абдулла ака Зияев Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Ковардон қишлоғида электрмонтёр бўлиб ишлаб, нур улашарди. Ўшанда дадасини касалхонага олиб келишганда оппоқ халатли ҳамшира қизларнинг дадасига парвона бўлишлари, чопқиллаб-чопқиллаб муолижа қилишлари кўзларига муҳрланиб қолди ва албатта ҳамшира бўлишга аҳд қилди. Чирчиқдаги тиббиёт билим юртини имтиёзли диплом билан тугатди.

Еш, дилбар ҳамширанинг барча яхши меҳнатлари, орзу-умидлари, оилавий кувончлари ҳали олдинда. Унинг шиори одамларга меҳр ва саломатлик улашмоқдан иборат. Сенга оқ йўл синглим, ҳамиша ўз шиорингга амал қил. Қадамларингдан гуллар унсин, гуллар.

Санъат МАҲМУДОВА.

«ХУМОР» СИҲАТГОҲИ

СЎЛИМ боғ ўртасидаги хўжалик меҳмонхонасида чой ичиб, қурилаётган янги қўрғоннинг келажаги тўғрисида жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Шамси ака Назаров билан суҳбатлашдик.

Суҳбат давомида Шамси ака хўжаликда санаторий-профилакторий бўлиши хусусида ҳам гапириб қолди.

— Қаерда қурилади?

— Худди мана шу бинони кенгайтириб, колхозчилар оромгоҳига айлантирамиз. Қаранг, атроф боғ. Обҳавоси ҳам энг яхши санаторийларникидан қолишмайди...

Шамси ака сўзининг уддасидан чиқди. Орадан бир йил ўтгач бир йўла 90 киши дам олиб, даволанадиган «Хумор» оромгоҳи фаолият кўрсата бошлади. Уни деҳқончилик саноати мажмуси Самарқанд вилояти касаба уюшмалари қўмитаси ўз тасарруфига олди. Тез орада бу оромгоҳнинг доврўғи вилоятга ёйилиб, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг севимли масканига айланди.

Бугунги кунда жамоа хўжаликлар оромгоҳининг ташкил этилганига қарийиб ўн икки йил бўлди. Яқинда ҳозирги мураккаб жараёндаги санаторий-профилакторийнинг фаолияти билан танишиш мақсадида сиҳатгоҳнинг бош ҳакими Юнус Ўтаев билан суҳбатлашдик.

— Дам олиш масканимиз ҳам 90 ўринли,— деди бош ҳаким Юнус Ўтаев,— дам олувчиларга 30 киши хизмат қилади. Шулардан 14 нафари тиббиёт ходимларидир. Бу ерда асосан, сурункали бўғин, юрак-қон томир, асаб касалликлари даволанади.

Сиҳатгоҳда муолажанинг шифобахш сув, балчиқ, азакерит, физиотерапия, массаж сингари ўндан зиёд турлари қўлланилади.

Шуниси диққатга сазоворки, санаторийга шифобахш сув яқин орадаги Қорамерос қишлоғидан олиб келинди. Таркибида бўғин, қон-томир ва асаб фаолиятини яхшилайдиган, танага енгиллик бахш этадиган моддаларга бой бу иссиқ сув «Есентуки», республикамизнинг «Чимён», «Чортоқ» санаторийларидан қолишмайди. Балчиқ Жиззах вилоятининг Арнасой туманидан, азакерит эса Украинадан олиб келинади.

— Беговул қишлоғида яшайман,— дейди Соадат Расулова,— ёшим 73 да. Бундан етти йил бурун ўғлим Бердиқул санаторийга мени суяб олиб келганди. Оёқларим, белим ва бошимнинг оғригига чидай олмасдим. Ўша йили уйимга ўз оёғим билан юриб бордим. Шундан бери ҳар йили келиб, даволаниб кетаман...

Дам олиб даволанаётганлардан Пахтачи туманидан Ватан уруши 1 гуруҳ ногирони Эрназар Хўжақулов, Нарпай туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжилиги аъзоси Надежда Отақулова, А. Навоий номли хўжаликдан Ойбаҳор Исломова, Сарвар Маматова, Хатирчи туманидан Омон Аллаева, Пастдарғом туманидан Фароғат Тошанова, Завра Норқулова сингари ўнлаб кишилар дардларига чинакам шифо топаётганликларини билдиришиб, шифокорлардан Юнус Ўтаев, Назира Ҳакимова, ҳамширалардан Анора Ўрозова, Ҳалима Жўраева, Мавжуда Примова, Холбуви Мўминова ва Замира Тўхташева ҳақида қалб сўзларини айтишди.

Сиҳатгоҳ яқинида Қутирбулоқ бор. Илгарилари турли хил тери касалликларига дучор бўлган кишилар шу булоқ сувидан ичиб дардларига шифо топиб кетардилар. Кейинчалик эътиборсизлик натижасида булоқ кўзи ёпилиб, сув чиқмай қолди. Санаторий бош ҳакимининг фикрича, келгусида ана шу булоқнинг кўзи очилиб, «Хумор» тасарруфига олиниши кўзда тутилмоқда. Йўлланманинг умумий нархи ҳам бошқа санаторийларникига қараганда бир неча баробар арзон — 6378 сўм.

Ҳа, «Хумор» меҳнатдан толиқиб, дардга чалинган дала меҳнаткашларини, элни тўйинтириш, кийинтиришдек эзгу мақсад йўлида бир умр дала кезиб, эндиликда нафақага чиққан отахону онахонларни бағрига олишга ҳамиша хумор.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
Навоий вилояти.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура Хожиматова жавоб беради.

Турмуш ўртоғим Республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер эди. 1989 йили вафот этганидан сўнг менга 75 сўм миқдорида боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган эди. Ҳозирги кунда 625 сўм пенсия оламан, шу тўғрими?

Н. МАМАНОВА,
Сирдарё вилояти, Ж. Маманов номли давлат хўжалиги.

Президентимизнинг Фармонларига асосан боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг энг кам миқдори ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун 1992 йил 1 сентябрдан 625 сўм, 1 октябрдан 1000 сўм, 1993 йил 1 январдан 1250 сўм, 1 апрелдан 1625 сўм, 1 июндан 4063 сўм ва ниҳоят 1 июлдан эса 6093 сўм қилиб белгиланган. Ушбу масалада вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг шахсий пенсиялар бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

Мен 1991 йили 60 ёшга кирганим учун 120 сўм билан қарилик пенсиясига чиқдим. 1993 йил май ойигача пенсиям 4500 сўм бўлди. Шу тўғрими?

М. ҚУДРАТОВ,
Жиззах вилояти, Зафаробод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан 1992 йил 1 сентябрдан меҳнат пенсияларининг энг кам миқдори 1250 сўм қилиб белгиланиб барча пенсионерларнинг пенсияси уларнинг иш стажларига ва ўртача ойлик иш ҳақларига боғлиқ ҳолда қайта ҳисобланди. Бунда ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи олиниб талаб қилинган иш стажидан эркакларга 25 йил ортиқча ишланган ҳар бир тўлиқ йил учун иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади. (аммо 75 фоиздан ошмаган ҳолда).

Пенсиялар миқдори Президентимизнинг фармонларига асосан бир неча бор оширилиб меҳнат пенсияларининг энг кам миқдори 1993 йил 1 июндан 8125 сўм, 1 июлдан эса 12185 сўм қилиб белгиланди.

Пенсиянинг миқдори иш стажига ва ўртача ойлик иш ҳақининг юқорилигига боғлиқ бўлади. Иш ҳақингиз қанча юқори бўлса, пенсиянгиз ҳам шунча юқори бўлади. Шунинг учун Сиз пенсияга чиқишингиздан олдинги охирги 15 йилликдаги қаторасига келган 5 йилликдаги, яъни 1976 йилдан 1991 йилгача энг юқори иш ҳақи тўғрисида маълумотномани ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этсангиз пенсиянгизни қайта кўриб чиқишади.

Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчисиман, автомашинам йўқ.
Аммо мотоциклим бор. Ижтимоий таъминот ходимлари бензин беришмаяпти.

Э. МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг автомашинасига бензин учун тўланадиган товон пули фақатгина «В» гуруҳига кирувчи енгил автомашинаси бор бўлган ногиронларга берилади. Сиздаги мотоцикл бу гуруҳга кирмайди, шу сабабли бензин учун товон пули берилмайди.

1985 йилда турмуш ўртоғим вафот этган. 9 нафар фарзандим бор. Болаларга тўланадиган нафақа миқдори ошадими? Болаларимга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланадими?

Э. ХУШВАҚТОВ,
Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Олтиўғил қишлоғи.

1992 йил 1 июндан бошлаб болаларга тўланаётган нафакалар миқдори 2 баробар оширилган.

1991 йил 1 январдан бева эркакларга турмуш ўртоғининг иш стажи борйўқлигидан қатъий назар вояга етмаган ҳар бир фарзандлари учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади. Бунинг учун ариза билан вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусҳасини ва фарзандларингизнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар билан яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз керак.

Отам Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эди. 1973 йилда вафот этганлар. Ҳозирги пайтда онамизга берилаётган боқувчисини йўқотганлик пенсияси қанча бўлиши керак? Ғалаба байрами муносабати билан онамизга 10 минг сўм мукофот пули бериладими?

А. ПОГУМАРОВ,
Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.

Улуғ Ватан Уруши қатнашчилари оилаларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун вафот этган шахснинг ўртача ойлик иш ҳакининг 30 фоизи миқдорида тайинланади, аммо энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмаган миқдорда бўлади. Президентимизнинг фармонларига асосан боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг энг кам миқдори шу йил 1 июндан 4063 сўмга, 1 июлдан эса 6093 сўмга етказилди.

Президентимизнинг фармонларига асосан Ғалаба байрамининг нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчиларига, ногиронларига ва фронтда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 10 минг сўмдан мукофот пули берилди. Сизнинг отангиз урушдан сўнг 1973 йилда вафот этганлар. Шунинг учун онангизга мукофот пули берилмайди.

Турмуш ўртоғим Абдуллаев Хайриддин 1988 йилда ҳарбий комиссариат орқали Чернобилга юборилганди. Ҳар йил 2—3 мартадан касалхонада ётиб даволанади. Ҳозирги кунда унга 3-гуруҳ ногиронлиги белгилашди. Шу тўғрими?

Н. АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент вилояти, Бўка тумани.

Турмуш ўртоғингиз туман Тиббий Меҳнат Экспертиза Комиссияси белгилаган 3-гуруҳ ногиронликдан норози бўлсалар ногиронлик гуруҳини қайта кўриб чиқиш учун вилоят Тиббий Меҳнат Экспертиза Комиссиясига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Биз эр-хотин икковимиз болаликдан ногиронмиз. Аммо ногиронларга бериладиган машинамиз йўқ. Президентимизнинг фармонларига асосан бензин олишга ҳақкимиз борми?

Ж. АЛТАЕВ,
Жиззах вилоят, Фориш тумани, «Арнасой давлат» хўжалиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги қарорига асосан Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, уларга тенглаштирилган шахсларга, меҳнатда майибланиш ва касб касаллигининг I ва II гуруҳ ногиронларига, шунингдек I ва II гуруҳ болаликдан ногиронларнинг шахсий автомашиналари учун ҳар ойда бериладиган 50 литр бензин ўрнига 50 литр бензин нархининг 50 фоизи миқдорида товон пули бериладиган бўлди. Автомашинаси йўқ ногиронларга бу товон пули тўланмайди.

Саҳифани котибият ва мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.

Бахтли бўлинг, келинчак!

Аҳмад Даврон олган сурат.

ҲУНАРИ БОР ХОР БЎЛМАС

ҲУНАР Тоғайни элга танитди. Мирбозор кулолчилигига асос солган Ботир Амин, Уста Мўмин, Уста Файзи, Мулла Шарифлар сафига Уста Тоғай ҳам қўшилди. У қўлдан чиқарган кўза, офтоба, товоқ, хурма, тоғора сингари сопол идишлар бежиримлиги ва пишиклиги билан ўша пайтда буюк Ипак йўли устидаги машҳур бозорлардан бири бўлган Мирбозор бозорининг шуҳратини оширишга хизмат қилди. Ўз навбатида Теша ҳам акасидан кулолчилик сир-асрорларини қунт билан ўрганиб, кулол бўлди.

Уста Тоғай вафот этгач, унинг ўрнини укаси Уста Теша эгаллади. Мирбозор кулолчилик мактабининг шуҳрати яна ошди. У ҳам акаси қатори ўзининг ҳалол меҳнати билан эл-улуснинг назарига тушди. Кейинроқ кўшни Хатирчи ва Пахтачи туманларида ҳам хумдонлар кўпайиб, кулолчилик цехларини йўлга қўйди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Турғунлик йиллари Уста Тешадек кулолларга ҳам анча қийин бўлди. Мирбозор кулолчилик мактабининг кўрғонига ҳам дарз кетди. Уста Теша ҳам тандирсозлик билан шуғуллана бошлади. Ўғиллари Бурҳон, Баҳром ва Баҳриддинларга эса кулоллик касбини ўргатди.

Мана, омон-омон кунлар келиб, миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни қайта тиклаш имкони туғилди.

Теша бобо билан якинда учрашдим. Тўқсон олтига кадам қўйган бу нуроний чолни, тўғриси, мункиллаб колган деб ўйлагандим. Уни кўриб, фикрим ўзгарди. Ҳали кўкрагини ғоз тутувчи, кесиб-кесиб гапирганидан сокол силкиниб-силкиниб қўядиган забардаст бобо экан. Бир пиёла чой устида сухбатимиз кизиди.

— Худога шукур, ҳеч нимадан камчилигим йўқ. Етти фарзандим бор. Тўрттаси киз, уч нафари ўғил. Ҳаммаси уйли-жойли. Кизларим ҳам, ўғилларим ҳам турли касбларнинг бошини тутиб кетишган. Ўғилларим Бурҳон, Баҳром ва Баҳриддинлар, набираларим Зокиржон ва Шокиржонлар иккинчи касб — кулолликни ўрганишган. Ишдан бўш пайтларида тандир ясайдилар,— деди бобо.

Ўтган йили Мирбозордаги 48-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори Зиёдулла Узоковнинг ташаббуси билан билим юртида кулолчилик цехи очилди. Бу цехнинг очилиш маросимига шу кўрғондаги кулолчилик мактабининг асосчиларидан Теша бобони ҳам таклиф этишиб, унга цехнинг дастлабки маҳсулотидан совға қилишганда бобо қўлини кўксига қўйиб, таъзим бажо келтирди.

Ким билади, балки, бобо ёшлигини эслаб, шу кўйга тушгандир. Балки у бир умр ардоқлаган ҳунарини қайта жонлантирган авлодга қалб ташаккурини изҳор этгани сўз тополмагандир.

— Ўлмасам, ёзга чиқиб Мирбозорда — катта ўғлим Бурҳонникида хумдон курмоқчиман. Ўз қўлим билан офтоба, коса, турли хилдаги хум ва кўзалар ясаб, ҳунаримни яна бир бор халқимга кўрсатсам — армоним колмайди,— деди Теша бобо Бобониёзов.— Биз бундан 40—50 йил илгари гўштни ва бошка тез бузиладиган озик-овкатларни хумга солиб, салкинроқ жойга қўярдик. Ҳозирги музлатгичдагидан ҳам яхши турарди,— исиб ҳам кетмасди, музлаб ҳам колмасди...

«Ишонч» мухбири.

Келажак қишлоқдан бошланади

УРУШДАН кейинги оғир йиллар эди. Қувасойнинг Сўфон қишлоғи. Қишлоқ аҳолиси юпун, дастурхони қурук. Ҳодияби кўп қатори далада ишлайди, Рўзғорбоши Ҳолмат ака ҳам.

Бу йиллардаги жамоа хўжалиги ишлари ҳам ўзига яраша. Кам қувват. Лекин битта яхши томони бор: Ўз фуқароларини дон-дун билан таъминлаб туради. Ҳозиргидек барча дўконга қарамаган. Сотувчининг ковоқ-димоғидан узоқроқ яшайди. Муҳими, эртага ишонч катта.

Хонадонда бирин-кетин туғилган олти ўғил остона ҳатлаб ташқарига чиқолсам дейди. Ташқарида нима борлигини ҳали улар яхши билишмайди. Эри-хотиннинг топган-тутгани билан кора қозон зўрға қайнайди. Ҳодияби:

— Отаси, яхши кунлар келармикин?— дея Холмат акага гоҳи-гоҳида ҳасрат қилиб қўяди.

— Яхши кунлар олдинда. Ўғилларимиз шундай йигитлар бўлсинки,— дея фахрланиб қўяди ота,— Муртимизни болта кесмайди. Қўш белбоғни боғлаб, уларнинг даврида бир яйрайин.

Холмат аканинг керилганини кўриб, Ходияби рўмолининг учини ўйнайди.

— Мен-чи?— дейди у.

— Сенми, қават-қават кўрпачаларда елпизакни қўлингда айлантириб ўтирасан, ҳар бирига иш буюрасан. Ўҳ-ҳў, қалай хотин, бешикни тебрат, алланинг тузукроғидан айт.

Дарвоқе алла айтиш, бешик тебратиш деган удумларимиз бор эди. Узоқ йиллар бешигингда ётмайман, сим каловат олиб бер, кабилида иш тутдик. Нима эмиш, бешик эскилик сарқити эмиш. Бешикларнинг бозори батамом касодга учради.

Сим каловатда ётган болаларнинг, аҳволи не кечди. Алпомишлар, Барчинойлар ана шу бешикларда ётмаганмиди.

Ходиябининг бешик кучоклагани, алла айтиб, болалари калбига оналик меҳрини куйгани зое кетмади. Аслида алла ҳам ана ўшалар тилидан эндиликда шаҳарларга кўчиб келди.

Холмат ака ўғилларининг бошини силаб, кетмонини бир нафас тарк этмасди. Чунки деҳконни кетмон боқади.

Ходияби бўлса Сўфонда энг илғор теримчи. Илғор теримчининг иши фақат «оқ олтин» териш билан битмайди. Ҳосилнинг бир мисколини ҳам нобуд килмасликка йўл қўймайдиган ҳукумат, қайтишда аёллар елкасига бир коп чувиладиган кўсак ҳам ортиб жўнатарди. То ярим кечагача кўсак чувилади. Аклини таний бошлаган Абдулҳамид, Қодиржон, Одилжонлар онасига кўмакдош. Ходияби болаларим ухлаб колмасин деб турли эртаклар айтар, бошкотирма пистонларни калаштириб ташларди.

Ҳозирги кунда болаларимиз эртаку достонларни яхши билмайди, деб нолиймиз. Чистонларни кўяверинг. Адашмасам, бу борада ҳам Ходиябилар ўрнак бўлган. Болалари калбини сеҳрли сўз билан ёритган.

Биз учун кандай шароитда яшамайлик, кўкламга етиб олсак бўлди. У ёғи ўт-ўланимиз боқади. Ходиябилар оиласида ҳам шундай эди.

Ака-укалар баҳорни интиқиб кутади. Тут оқарди дегунча Сўфон қишлоғидагиларнинг юзига кизиллик югуради. Қаҳратон кишдан эсон-омон чиқиб олган фуқаро энди яшаб кетишига ишонади.

Ўтган кунлар оғирлигини эслатувчи яна бир ривоятни келтирамиз:

Кунларнинг бирида Бухоро амири ҳузурига чакмон кийган, эски чорикли чол кириб келади. Мулозимлар уни зўрға амир ҳузурига киритади. Амир пойгакда ним таъзим қилиб ўтирган чолга беписанд карайди. «Сени не савдо менинг ҳузуримга бошлаб келди» деб сўрайди.

Чол пинагини бузмай, амирга сўз котади:

— Амирим, хеч кандай савдо сенинг ҳузурингга бошлаб келгани йўк. Кутлуғ бир ният билан келганман. Рухсат берсанг, Зарафшоннинг етти жойига етти кўприк курсам.

Амир чолни бошдан-оёк кузатиб, ён-веридаларга карайди, ках-ках отиб, кулади.

— Ҳей, мияси айниган чол, бору шудингга кара. Зарафшондек дарёга кўприк куришга бутун бошли менинг ҳазинам етмайди-ю... Эс-ҳушинг жойидами?

— Руҳсат берсанг, кураман,— дейди чол катъий.

Амир бу савдойи мени мазах килаяпти, деган ўйга бориб, ҳузуридан ҳайдамокчи бўлади. Чол ҳайр-маъзурни насия килиб чиқиб кетади. Бунга ажабланган амир, кетаётган чолни тўхтади.

— Ҳой, жулдурвоқи, орқангга кайт. Хазина-мазина топган бўлсанг, аён эт. Бехабар колмай. Борди-ю, савдойи бўлсанг... Мени синаш учун келган бўлсанг, зиндоннинг эшиги очик.

Чол кўлини белига тираганча ғоз туриб дейди:

— Амирим, кўнглинг тўк бўлсин. Ҳеч кандай хазина топганим йўк. Мен унга зор ҳам эмасман.

— Унда нега кекирдагингни чўзаяпсан?

— Менинг пушту камаримдан дунёга келган етти ўғлим — хазинам бор. Ана шуларга ишонаман. Кўприкни ана шу ўғилларим куради. Етти пуштимга раҳмат олиб келади. Сени шундан бохабар килгани келган эдим.

Амир бўшашиб, пешонасига шап этиб уради.

— Амир мен эмас, етти ўғил ўстириб, халк ғамида юрган сен экансан.

Зарафшон кўприкларини ўша чолнинг ўғиллари курдими-йўкми, айтолмайман. Шунисини биламанки, бирин-кетин бўй чўзаётган ўғилларига ҳар караганда Ходияби билан Холмат ака юрагида амирона ҳис уйғонаверади. Ота бир кун ўғилларим канотимга кириб, элу юрт олдида юзимни ёруғ килади, деса, она бу оғир кунлар ўтиб кетади. Ҳали дастурхонни каттароқ ёзамиз. Ўзларинг ётган бешикда болаларингни белаб, ўзим алла айтаман, деб, ёруғликка юз тутади.

Йиллар ўтди. Ходиябининг орзу чечаклари унди. Ходияби хўжаликда энг олдинги сут соғувчига айланди. Ўғли Абдулҳамид ота изидан бориб, боғбонликни уддалади. Қодиржон, Муллажон, Мирзажон деганлари турли касбнинг бошини тутди. Бири маорифчи, яна бири хўжаликда иш юритувчи. Энг муҳими улар чол орзу килгандек кўприк курмасада, бугунги мустакил Респуб-

МАЗМУНЛИ ҲОРДИК

ТОШКЕНТ шаҳар халк таълими бўлими ёзги таътилни мазмунли ўтказиш вазифасини муҳим ишлардан бири деб белгилади. Чунки кўнгилли дам олган ўқувчиларнинг руҳи баланд бўлиб, ўқишга иштиёклари ортади.

Юнусобод тумани Халк таълими бўлими мудири Нуриддин Жалолов ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси С. И. Курепина тумандаги мактабларда лагерь ташкил этиш ишларини намунали йўлга кўйдилар. Ҳозир мактаблар кошида оромгохлар ташкил этилиб, ҳар бир сменада 150, айрим мактабларда эса 220 дан ортик ўқувчи ҳордик чикармокда. Кувончлиси шундаки, ўқувчилар оромгоҳларда Марказий Ёшлар уюшмаси томонидан ҳафтада тўрт марта уюштирилаётган турли тўгаракларда фаол катнашмокдалар. Якинда Боғи Эрамда ўтказилган «Шарк юлдузи» номли конкурсда ҳам иштирок этишди.

Оромгохда 26 кун дам олиш, тўгараклар, 5 маҳал тўйимли овкатланиш учун ота-оналар 596 сўм тўлайдилар, холос. Колганини касаба уюшмалари тўлайди. Ўз навбатида [illegible] эътиборнинг [illegible] дан далолатдир.

Махмуда ВАЛИЕВА.

Дадамга кўнгироқ киламан.

ликанинг фидоийлари бўлиб етишишди. Эл олдига ҳалолу покиза дастурхон ёзадиган бўлдилар.

Менинг ниятим Ходиябининг ўғилларини макташ эмас, балки ҳозирги кунда Республикага ана шунақа кўприк қурувчилар кераклигини айтмоқчиман.

Армон билан бахт ёнма-ён яшайди, дейдилар. Таърифини ўзимча келтирганим Ходиябининг бош армони — ўғилларининг қад ростлаганини чоли кўрмай кетди.

Ходияби дала айланар экан, чолини эслайди. «Ҳой, чол, яхши кунлар келди,— дегиси келади.— Ўғилларимиз ақлли, фаросатли бўлиб ўсди. Ниятга етдик. Раҳмат олиб келаяпти. Бахтим атрофида эса қўша-қўша невара, чевараларим...»

Бундоқ қўлини чўзса тўрти кам тўксонга қадам [illegible]ан кимсан Ходиябиби. Уйининг тўрида бе[illegible]шик. Алла айтишга тили айланиб туради доим.

Она меҳри ҳақида сўз очсам гапим тугамайди. Лекин ҳозирги кунларга келиб, меҳр-оқибат деган тушунчалар негадир баъзиларнинг назарида эскиргандай бўлиб қолган. Шундай ўйлар гирдобига ўралиб қолган чоғим мени бошқа бир армон юки эзади. У ҳам бўлса қариялар уйида умр гузаронлик қилаётганлар қанчалиги. Айрим туппа-тузук юрган фарзандлар қалбини меҳр тарк этганлиги, бир томонда болалар уйи ноласи. Иккинчи томонда қариялар уйи. Уларни кимлар бу кўйга солди?

Ўзбекда бетга айтганнинг заҳри йўқ, деган мақол бор. Ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу дунёда саволлар кўп экану унинг жавоблари кам экан.

Қишлоқ аёллари тимсолида Ходиябини эслатдим. Унинг қатор ўғилларини тилга олдим. Энди улар Холматовлар сулоласига айланди. Онабоши тўрда.

Бу, янги чирой очаётган юртнинг Ходиябибиларида яна бир ўлмас фазилат бор. У ҳам бўлса болага, неварага тўймаслик. Сир эмас, аёлларимиз ўтган, шўро замонига мослашаман деб, жуда кў[illegible]азилатларни ўткинчи ҳислатларга алмаштирди. Айниқса, шаҳарда яшовчи жуда кўп момолар уйда ўтирсада, невараларини боғчага жўнатмаса кўнгли тинчимайди. Қичкинтойлар эркалиги, ўйини, тўполони, арази уларга ёқмайди. Кўздан узоқроқ бўлса бас. Эртак айтиш, оқ ювиб, оқ тараш ўз қўлида. Ахир болаларнинг ҳам дарди-ҳасрати бор. Меҳрга, муҳаббатга зорлигини кўзингизга тикилиб туриб, изҳор этади. Биз уларнинг зорланиб қарашларини тушунмаймиз. Ёки, ўз ҳузур-ҳаловатимизни, тинчимизни ўйлаб, билсакда билмаганга оламиз. Болалар эса бизга талпина-талпина, охири-оқибат бегоналашиб боради. Ширин сўз излаб қолади. Турткилаш, совуқ қарашлардан зерикади. Бора-бора меҳри сўнади. Ўзини қўярга жой тополмай, иликликка интилади.

Мен бир шеъримда

Момолардан бизга қолди
Ирим-сиримлар.
Биздан қолар духи-пухи,
Крем-сиремлар.

деганимда, ана шуларга ишора қилгандим. Бунинг Сўфон қишлоғида яшаб, тўрт кам тўксонни уриб қўйган Ходияби Холматовага алоқаси йўқ. Қизиғи шундаки. Ходиябига ўхшаган қишлоқ аёлларининг фикри-ёди фарзанд, невара билан банд. Уларнинг сони қанча кўпайса, шунча яхши. Ундайлар чақалоқ товушини йил аро эшитмаса зерикади. Бир нарсасини йўқотгандек, ўзини кўярга жой тополмай қолади.

Бу ҳолни кўриб, омон бўлинг, дуогўй Ходиябибилар дейман. Келажак қишлоқдан бошланишига ишонаман.

Сафар БАРНОЕВ,
Бухоро вилояти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МЕН, ЗАМОНДАН ОРҚАДА ҚОЛГАН НОДОН...

Юқоридаги гапни ҳамсухбатимнинг дув юмалаган кўз ёшлари давом эттирди гўё. У ўзини тўхтатолмасди. Ниҳоят, кўнгил тортмаса-да, ейишга маҳкум емакни кўзни шарт юмиб оғизга солгандек... журъатга шайланди ва фикрини якунлади:

— ...итнинг кейинги оёғидан ҳам бадтар эканман! Бу — айтса бўладиган гаплари...

Қўлларини маҳкам қисаман, му-уздек. Жаҳл устида тилга нималар келмайди. Ҳали эсингдан чиқиб кетади...— юпатмоқчи бўламан.

Лекин унинг юзларида умид нури йўқ, ғамга кўниккан, бир хулосага келган, кўнгли титраб тургани ниҳоҳидан аён.

— Эгам бандасини ризқу насибасиз, бир гўшасиз яратмас. Бу юртда кимлар уйли-жойли бўлмади. Уй ҳам бўлар, муҳими...

— Мени сабрсизликдан ҳасрат қилаяпти деб ўйлаяпсизми? — бардоши портлагандек сўзимни бўлди сухбатдошим.— Тўртта болани бир хонали уйда катта қилиб, бировга нолиган эмасман. Вақти-соати билан, навбатимиз етса, шароитимиз ўнгланишига умид қилиб яшадим. Қачон, қаёқдан ҳам бўлади. Мени истаганча беҳурмат қилишинг мумкин. Фақат бўшашма!

Ўша куни ҳар нарса бўлишга тайёр эдим, аммо қанийди судга бормасам!

Лекин эримдан қўрқдим. Тайинланган вақтда тайинланган жойга етиб бордим. Кутиб олдилар. Йўлакда туриб навбат кутдик, олдинма-кетин бўлиб уч одам ўтирган хонага кирдик.

— Хўш? — деди ўтирганлардан бири. Ўша ночорликни эсласам, ҳамон ичим музлаб кетади. Мен индамай ўтиравердим.

— Тўрт фарзандни ўйламай, оилани бузмоқчимисизлар?— савол беришди.— Балки ариза бергандан сўнг ўйлашиб, бошқа фикрга келгандирсизлар?

— Йўқ, шошиб жавоб қайтардилар эрим.— Мени ариза ёзишга ҳам хотиним мажбур қилди. Анчадан буён гапига қулоқ солмасдим. Уйда ҳаловат қолмади. Майли, ёлғиз яшаса яшасин! Мениям кўнглим совиб...

— Ҳай-ҳай,— деди бизга яқин ўтирган кексароқ аёл.— Шу гапни оғизга олманг-а...

— Тўғри-да!— аввалгидан ҳам қаттиқроқ оҳангда давом этдилар эрим.— Ишлаб келасан, дам олишчиқди шу ажралиш деган гап...

— Тўғри, уйнинг гапини кўчага олиб чиқиш яхшиликка олиб бормайди. Лекин мен бундан буёғига қандай йўл тутишниям билмайман. Эрим жуда соддагина, арзимас деб айтган гапларига тушунолмайман, кўниколмайман.

Шундан кейин у чуқур тин олди-да, тафсилотни айта бошлади:

— Уйимизни кенгайтириш учун саккиз йилдан буён навбатда турамиз. Анча олдинга сурилиб қолгандик. Бир ярим йилча олдин эрим ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ «Фиктивный развод» қиламиз, деб қолдилар. Тушунтирдилар: сохта ажралиш экан. Шунда сен мен эримдан ажрашганман, аммо битта хонада яшашга мажбурман,— деб ижроқўмга шикоят қилиб бораверасан. Шароитни ҳисобга олиб ҳам тезроқ квартира беришади, ҳам мана шу яшаб турган уйимиз менинг номимда ёнга қолади»,— дедилар.

Хўжайиним гапираяптилар-у мен ҳеч тасаввур қилолмайман: «Қандай қилиб? Битта уйда яшаб туриб қайси юз билан эримдан ажрашганман, деб ҳар кимларга арзга бораман? Тавба, ўртада тўрт фарзанд... бу гапни нега тилга олдилар?»

Аввалига «Мен сиздан нега ажрашаман? Қўйинг, унақа деманг,— деб парво қилмагандек юрдим.— Бошпутга печат урса...»

Шу тахлит саккиз-тўққиз ой юрдик, лекин мен бу гапларга ҳамон кўниколмасдим. Бир куни... менга суддан чақирув қоғози келди. Кечқурун ҳайрон бўлиб эримга кўрсатсам: «Мен ажралиш ҳақида ариза берганман. Бориб сен ҳам бирга яшамайман,— дейсан. Кўпроқ сенинг гапингга қулоқ солишади. Оиламиз бўлмайди,— деб қаттиқ турасан»,— дедилар.

Ўша тунлари тонггача ухлаганим йўқ. Хотин киши бошим билан гувала қилиб уй қурғин десалар, ўйнаб юриб шу ишни қилардим. Қайси юз билан бегона одамлар олдида шу гапларни айтаман? Бундан ортиқ шармандалик борми?

Бир-икки марта эримга ётиғи билан ялиндим, аризани қайтарволишини сўрадим. Тўғрисини айтсам, иримчирокман, шу йўлга кирсак, оиламиз бузилиб кетадигандай қўркардим. Лекин эрим... Судга чақирилган куни эрталаб ишга кетаркан, жаҳл билан тайинладилар:

— Тагин бормай қолмагин!— Кейин ҳазил қилгандек қўшиб қўйдилар.— Бир юрагингни тўкиб олсанг нинг ўрнига йўқ жойдан ўйлаб чиқарган жанжал... Умр икки марта бериладими? Одамдай яшамасанг...

Биласизми, етти ёт бегоналарнинг олдида ишонганинг, суянганинг, неча йиллик умр йўлдошингдан шунақа гапларни эшитиш аёл киши учун ўлим билан тенг экан.

Оғзимга қўрғошин қуйилгандек, тахта бўлиб қолдим. Юзимдан ёш ўрмалаётганини сезаман, холос.

— Гапиринг, синглим!— деди тўрда ўтирган одам менга. Тўрт болани ёлғизликда боқиш осонмас. Балки ўйлаб кўрарсиз. Ўтган-кетган гаплар учун эрингиздан узр сўрасангиз...

— Э-э, мен бунинг тузалишига ишонмайман!— у одамнинг гапини чўрт кесдилар эрим.— Тузаладиган бўлса, қачонлар инсофга келарди. Ҳар қанча кечириш, ичга ютиш бўлса, ками қолмади. Ана, ўзи айтсин!

Назаримда, бу ёлғон ажралиш эмас, рўй-рост оила бузилаётганди. Шундай ниятлари бор экан, нега ростини айтавермадилар?

— Гапир!— деб ғазабларини сочдилар эрим.— Уйдагидай тилингнинг бурролиги қани? Ажралмоқчимидинг?

Эримнинг юзларига қарадим: ғазаб, нафратли буйруқ билан тикилиб турардилар.

Тасдиқ аломатида бошимни эгдим.

Қимлар насиҳат қилди, менга инсофу эримга бардош тилаб, болалар ҳаққи-ҳурмати — сабрли бўлиш кераклигини уқтирди.

Бу хўрликлар қайси қилмишларим эвазига — ҳеч тушунолмасдим, ожизлардан-да ожиз эдим ўша лаҳзаларда. На фарзандлар ўстириб, на рўзғорнинг кам-кўстию, оғир-енгилини кўтариб бировга тиш ёрмай яшаётгандим-ку! Кўнглимда эримга нисбатан бир аёл қалбининг меҳри, кувончи, ғурури етарли эди-ку!

Яна узоқ тортишув бўлди. Мен асосан тасдиқлаб турдим, эрим мени «таъриф-тавсифлаб...» Яна ўйлаб кўришимиз учун икки ой муҳлат бериб чиқариб юборишди. Ўша хонадан мен бутунлай ғариб, ночор, оиласини ҳақиқатан ҳам йўқотган бева аёлдай бўлиб чиқдим. Дилим мотам тутаётгандек эди.

Уйда карахт, сурат бўлиб ўтирарканман, эрим порози оҳангда яна узоқ гапирдилар. Мен латтадек бўлиб кўзимнинг сувини оқизавермаганимда, шу куннинг ўзида ажратиб қўйишлари мумкин экан. Шунда квартира олишимиз тезлашаркан.

Бошимни олиб киши топмас жойларга кетгим, бағримни чангаллаб турган ниманидир суғуриб ташлагим келарди. Бу ҳолат мени ҳеч тарк этмайдиган бўлиб қолди...

Икки ойдан кейин эрим ғалати кулимсираб бир қоғозни қўлимга тутқаздилар:

— Мана, сен бормасанг ҳам ажратиб қўйишди. Энди янгитдан уйлансам ҳам бўлади.

Юзимда бошқача ўзгариш бўлди шекилли, ўша заҳоти юпатгандай қўшиб қўйдилар:

— Ҳазил-ку! Сени, болаларнинг келажагини ўйладим-да! Энди райисполкомга қатнаб турасан.

Лекин райисполкомга қатнаб туришимнинг кераги бўлмай қолди. Бир-икки бордиму аниқ жавоб ололмадим. Бу борада уйларни хусусийлаштириш деган гаплар чиқди.

Энди эрим яна мендан тинмай аламини оладилар. Ўша, дастлаб айтган вақтларида «Фиктивный развод»га рози бўлганимда, уни тезлаштирганимизда фурсатдан фойдаланиб колишимиз мумкин экан.

Мен эса... ҳамон сохта ажралишга кўниколмайман, ўзимдан-ўзим эзилавераман, юрагимдаги тошни юлиб ташлолмайман. Эрим ёнимда — ёлғизу паноҳсизга ўхшайман.

У киши бўлса менга ҳеч тушунмайдилар.

— Қайси асрда яшаяпсан? Сен ўйлаган фаришталарнинг замони ўтди! Сен тўғри, оппоққина бўлиб юрсанг, умрбод биринг икки бўлмайди. Одамлар ниятларини амалга ошириш учун номига, йўлига ЗАГС дан ўтишади, ажралишади. Фалончи каттароқ уй олиш учун ўзи ташлаб кетган хотинининг болаларигача уйига прописка қилдирган. Сен замондан орқада қолган...

Аёл бу сафар таъби тортмаган нарсани ютиб юборолмади, чуқур-чуқур хўрсиниб йиғлай бошлади. Кейин гуноҳкордай лабларини тишлаб менга қаради, ўзи қўлимни ушлади — му-уздек... Қосалари ичига ботган кўзлари, назаримда, икки ғам тоғига ўхшаб кетди — бағридан ғам дарахтлари ўсиб чиққан... Тикилдим: бу дарахтларнинг илдизи чуқурдан-чуқур...

— Мени кечиринг, таъбингизни хира қилдим,— деди.

— Кейин бир жойда эшитиб қолдим, ҳақиқатан ҳам бунақа воқеалар бўларкан. Қап-катта, уйли-жойли эркак янги уй сотиб олиш учун хотинидан ажраб, уйли хотин билан ЗАГСдан ўтибди. У хотин эркакни ўз уйига ёздириб, пулини олиб, бошқа юртга кетибди. Эркак бу ишларнинг ҳаммасини ўз хотини билан бамаслаҳат қилган, эр ҳам, хотин ҳам бу ишбилармонликлардан ҳурсанд экан. Шунақа гапларни эшитиб, ҳақиқатан ҳам шунчалар нодондирман, эримдан хафа бўлишим нотўғридир, деб ўйлайман, лекин кўнгил... Кўнгилни йўлга сололмайман. Бир суратдек юрибман-да...

Икки ўт ораси деганлари шумикан? Бир томонда — эр «оддийгина, ҳамма кўниккан» деб таърифлаётган «ҳақиқат». Бир томонда — никоҳни муқаддас билган кўнгилнинг изтироблари...

Дилимга онамдан эшитган гаплар келди:

Агар хотин ота уйига келмоқчи бўлиб, изн сўраса эр: «Ҳа, рухсат, боравер!»— деб ҳам айтмаслиги керак экан. Никоҳ шарти шунақа, дедилар. Бошқача сўзлар билан розилик билдириши жоиз экан».

«Эрингиз билан орангизда ҳар қандай гап ўтса ҳам зинҳор-зинҳор жавобимни беринг деган сўзни тилга олманг»,— деб тайинлардилар онам эридан қуйиб дилини очганларга...

Мен нима дейман? Дарвоқе, шахсий муносабатимни бир қадар баён эта бошладим чоғи. Ва мен ҳам «замондан орқада қолган нодон...»лардан биттаси бўлиб чиқарман...

Келинг, ҳозирча шу ерда тўхтайлик, юқоридагиларни чуқур мулоҳаза қилиб кўрайлик. Мен ҳам танишу нотанишларнинг мулоҳазаларини эшитай. Сиз-да ўз фикрларингизни ёзиб юборинг...

БОНУ,
Самарқанд.

МЕҲР-ОҚИБАТ ҚАНИ?

НАЗИРА опанинг ўғли Муродулланн ишга тиклашда ёрдам беришларини сўраб «Ишонч»га йўллаган хатини Навоий шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг мудири Баҳриддин Худойбердиевга кўрсатдим. Мудир хатни ўқиб чиқиб, менга юзланди.

— Биз Муродуллани қонунга асосан ишдан бўшатганмиз. Ҳуқуқшунос Убайдулла Бўриевдан бу тўғрида маслаҳат ҳам олганмиз,— деди у бамайлихотир.

Пировардида вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ҳуқуқшуноси Убайдулла Бўриев қуйидагича тушунтириш хати ёзиб берди. Уни айнан келтиришни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч» рўзномаси муҳарририятига. Навоий вилояти ҳокими ижтимоий таъминот бошқармасининг ҳуқуқшуноси Убайдулла Бўриев томонидан.

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ушбу тушунтириш хати билан шуни маълум қиламанки, Навоий шаҳар ижтимоий таъминот бўлим мудирининг архиварус Ҳожиев Муродуллани вазифасидан озод этиш тўғрисидаги фикрини эшитиб, Ҳожиев Муродулла болаликдан 2-гуруҳ ногирони бўлиб, тиббий мутахассислари томонидан ишга яроқсиз деган хулосага келиб, ТМЭК (ВТЭК) хулосаси берилган, шу сабабли уни умуман ишга қабул қилиш мумкин эмас эди, менга номаълум сабабларга кўра у ишга ғайри-қонуний тарзда қабул қилинган. Ҳозирги ҳаракатдаги меҳнат қонунига асосан мен Ҳожиев Муродуллани Ўзбекистон республикаси меҳнат кодексини 37-моддасини 5-банди билан вазифасидан озод қилсангиз бўлади, деб консультация берганман, касаба уюшмасини розилигини олишни ҳам айтганман, қолган маъмурий расмиятчиликларни Навоий шаҳар ижтимоий таъминот маъмурияти бажарган.

Менинг шахсий фикримча, маъмурият Ҳожиев Муродуллани вазифасидан озод этишда аввало унинг саломатлигини ва хавфсизлигини эътиборга олган бўлса керак, чунки Ҳожиев Муродулла иш жойидан 24—30 км узоқликда туради ва қатнаб ишлаш унга оғирлик қилишини ҳам эътиборга олгандир. Умуман менинг фикрим Ҳожиев Муродулла ишдан тўғри бўшатилган. Чунки уни ишдаги фаолияти тўғрисида эмас, балки саломатлигини асраш эътиборга олинган.

Тушунтириш хати ўз қўлим билан ёзилган, бошқа қўшимчам йўқ.

Навоий вилоят ҳокими ижтимоий таъминот бошқармасининг ҳуқуқшуноси:— имзо У. Бўриев.

Балки, Убайдулла Бўриев қонуний ҳақдир. Аммо Унинг фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди, агар унинг тушунтириш ҳатини синчиклаб ўқиб чиқсангиз...

Суҳбат чоғида ижтимоий таъминот бўлими мудири Баҳриддин Худойбердиев ҳам «Биз Муродулланинг саломатлигини асраш мақсадида уни ишдан бўшатдик. У ақлий томондан заиф. Ҳатто, жаҳли чақса ўзини идора қилолмай қолади. Унинг асабларини авайлаш керак...» деган гапларни қайта-қайта такрорлади.

Хўш, у Муродуллага ғамхўрларча муносабат билдираётган экан, касаба уюшмаси йиғилишида бутун жамоа унинг жисмоний камчиликларини юзига солганда ҳеч кимга қарши боргани йўқ-ку. Ўша куни асаблари титраб-қақшаган, умрида биринчи марта кўпчилик олдида ишдан «қувғин» қилинган Муродуллани уйигача кузатиб қўйишни ҳеч кимга таклиф қилмади-ку! Қолаверса, ўн бир йил мактабда, қарийиб бир йил ҳисобчилар тайёрлаш курсида ўқиётганда унга ҳеч ким ҳасса бўлиб юргани йўқ-ку! Шуми унинг соғлиғини муҳофаза қилиш, шуми унинг саломатлигини ўйлаб иш тутиш?..

Назаримда, ижтимоий таъминотчилар қонунни рўкач қилишиб инсон маънавиятини бутунлай унутиб қўйганга ўхшайдилар, акс холда улар Муродуллани ишдан бўшатиш учун тиштирноқлари билан ҳаракат қилмаган бўлардилар...

...Дарвоқе ўша куни Муродулланинг асаблари титраб-қақшаб кетди. Ўзини қўйишга жой тополмай қолди. Ич-ичидан эзилди. Салкам бир йил бирга ишлаган, унинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлган ҳамкасблари унга «Ногиронсан. Сенга ишлаш мумкин эмас. Давлат томонидан нафақа олиб турибсан...» дея уни ишдан озод қилишни таклиф этишди касаба уюшмаси йиғилишида. Бу фикрга ҳеч ким қарши боролмади ҳамкасбларидан. Ўксиган қалбнинг яралари ана шундан тирналди. У уйига етиб келди-ю ўзини каравотга отди:

— Нима бўлди сенга, ўғлим? — онаси Назира опа фарзандининг аҳволини кўриб, қўрқиб кетди.

Муродулла ўпкаси тўлиб, бўлган воқеани айтиб берганида онанинг вужуди титради. Шашқатор ёш оқди кўзларидан. Фарзанди олдида гуноҳкордай сезди ўзини.

— Хафа бўлма, ўғлим. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мана, кўрасан, далда берди ўғлига Назира опа.

Она Муродулланинг ишхонаси — шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига, вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига борди. У ердагилар ўзларининкини маъқуллашдан нарига ўтишмади. Ҳатто, унга «Муродулланинг ойлигига қараб ўтирибсизларми? Унга давлат томонидан нафақа берилаётган бўлса, бунинг устига эр-хотин ҳам ишласангизлар. Ўғлингизни боқолмай қолдингизларми?» дея таъна ҳам қилишди.

Ана шундай пайтда онанинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-чи? Одамийлик, инсоф, диёнат қаёкда қолаяпти? Инсон деган буюк номнинг қадрини осмонга кўтариш ўрнига ерга урмаяпмизми?!

Ахир, ижтимоий таъминот бўлими деганда биз моддий ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қиладиган, уларнинг кўнглини кўтариб, бошини силайдиган жойни кўз олдимизга келтирамиз-ку?! Наҳотки, ана шундай муқаддас даргоҳда, олижаноб одамлар ишлайдиган жойда кўнгли ўксик бир инсонга шу тахлит муомила қилинса? Наҳотки, улар ҳақ бўлишса, масаланинг моҳиятини ётиғи билан тушунтириб беришолмаса?!

Энди Муродулланинг ҳақ-ҳуқуқи масаласини шарҳлайдиган бўлсак, у ўрта мактабни муваффақиятли битирган. Ўша йили қайта тиббиёт кўригидан ўтиб, 2-гуруҳ ногирони деган ҳужжат олади. Бироқ она фарзандининг келгуси тақдири билан қизикди. Бу тўғрисида тегишли одамлардан маслаҳат олди. Шундан сўнг шаҳар ижтимбий таъминот бўлими йўлланмаси билан республика ижтимоий таъминот вазирлиги қошида ташкил этилган ҳисобчилар тайёрлаш курсида ўқиди. Ёш мутахассис сифатида уни вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига ишга юборишди. У бу ерда архивиарус вазифасида ишлай бошлади. Кейинчалик ҳисобчиликка ўтказамиз, ҳозирча иш ўрган, дейишди.

Мана, орадан саккиз ой ўтиб шаҳар ижтимоий таъминот бўлими раҳбарлари Муродулла Ҳожиевнинг ишдан бўшатишнинг ана шундай йўлини тутишди...

Ҳозир Муродулла Ҳожиевни ишга тиклаш бўйича Навоий шаҳар қозихонасида ҳам фуқаролик иши қўзғатилган. Бу фуқаролик ишини шаҳар судьяси Жанагул Исмоиловна Балкибаева ўз қўлига олган. Жанагул Исмоиловна яқин кунларда бу масалага аниқлик киритиб, холисона нуқта қўяди, деган умиддамиз.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

«НАВОИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»НИНГ ТАҚДИРИ

1986 йилнинг бошлари эди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўша пайтдаги президенти П. Қ. Ҳабибуллаев институтимиз залида мажлис ўтказдилар. Қўлларида институт ходимлари рўйхатини кўтариб, бирма-бир айримларни ўрнидан турғазиб «Айтингчи, институтимизнинг умумий мавзуси нима?, сиз шу мавзунинг қайси звеносида ишлайсиз? Ҳозирча нималарга эришдингиз? Сизга нималар халақит бермоқда? Қандай ёрдам керак?» каби саволлар билан мурожаат қиладилар. Навбат адабиёт бўлим мудири,филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитматовга келди. У кишига ҳам шундай саволлар берилди. Аммо жавоблардан академия президенти қониқмади шекилли, кейин «Сиз Лермонтов энциклопедиясини кўрганмисиз, нега Алишер Навоий қомуси йўқ? Ахир буюк Навоийдек шоири бор бахтли халқлар жаҳонда кўп эмаску?» деб қолдилар. А. Ҳайитматов ҳам кутилган жавобни бермади, назаримда. Шундан сўнг Пўлат Қирғизбоевич қатъий оҳангда шундай дедилар: «Ҳамма ишингизни йиғиштиринг. Мана янги беш йилликни бошладик. Навоий энциклопедиясини яратиш ишига киришинг. Барча имкониятларни яратиб берамиз...»

Навоий энциклопедиясини яратиш режалаштирилди. Тўла имкониятлар яратилди. Бўлим ходимлари фақат ҳафтада бир марта жума кунигина ишга келадиган бўлишди. Ҳафтанинг қолган ҳамма кунлари уйларида ишлашлари учун руҳсат берилди. Шу иш режими бўйича саккиз йил ишладилар...

1988 йилда «Навоий энциклопедияси сўзлиги» яратилди. Тўғри, сўзликнинг хато ва камчиликлари анчагина эди. Бироқ, унда сўзлик материалларини тўплашда ўн саккиз илмий ходимнинг қатнашганлиги, уларнинг ҳар бирининг аниқ ишлари ҳам алоҳида-алоҳида санаб кўрсатилган. Бўлим мудири А. Ҳайитматов сўзликнинг сўз бошисини, «Навоий энциклопедияси учун материаллар тўплаш ва уни яратиш принципларини ёзган. Унда мана бундай сўзларни ҳам ўқиймиз: «Навоий энциклопедияси»нинг **бош вазифаси** китобхонни шоир ҳаёти ва ижоди, у яшаб ижод қилган давр билан ҳамда ўша давр адабий ва маданий жараёни билан батафсил, далилма-далил таништириш, шоир дунёқарашининг гуманистик ва прогрессив характерини, ижодининг ўз салафлари ва замондошлари ижоди билан боғланишини кўрсатиш, адабиёт, санъат ва маданиятнинг келажак тараққиётига таъсирини ёритиб беришдан иборатдир. «Навоий энциклопедияси»да мамлакатимиздаги навоийшуносликнинг аҳволи, тарихи, унинг етакчи намоёндалари ҳақидаги маълумотлар тегишли ўрин тутиши керак... Матн ва иллюстрация материаллари 100 босма матндан зиёд ҳажмни ташкил этадиган мазкур энциклопедияни Навоийнинг 550 йиллик юбилейига нашр этиш мўлжалланмоқда». Саккиз йил мобайнида институтнинг шу бўлими мудири А. Ҳайитметов институт директорига, институт директори эса Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий Фанлар бўлимига, ижтимоий фанлар бўлими академия президентига ҳисоботларида, шунингдек академия президенти ҳам йиллик мажлисиларда берган ҳисоботларида Навоий қомуси устидаги ишлар жадал кетаётганлиги ҳақида маълумот бериб бордилар.

Мана шу йиллар мобайнида шу мавзу учун давлатнинг кўплаб маблағи бўлим ходимларига маош, хизмат сафари пули, мукофотлар тарзида сарфланиб турилди... Навоийнинг 550 йиллик муборак тўйлари ҳам ўтди, аммо у кишига бағишланган ва ваъдалар қилинган қомусдан дарак бўлмади. Ундан кейин ҳам... Кейинчалик «Навоий энциклопедияси» чиқмайдиган бўлибди, бу иш умуман тўхтатилибди» деган гапларни эшита бошладик. Бўлим баъзи ходимларининг айтишларича, «Навоий энциклопедияси»нинг қўлёзмаси эскириб қолган эмиш, у шу ҳолича ҳозирги талабларга жавоб бера олмас эмиш, яна бир маълумотга кўра, бу қомуснинг санъат қисмини ёзиб берадиган киши топилмаган эмиш, бунинг устига нашр харажатлари энди жуда қимматлашиб кетган эмиш... Шу сабабли бу ишдан воз кечилиб «Ислом ва адабиёт» деган янги мавзуга ўтилибди.

Академиянинг Тил ва адабиёт институтларида режалаштирилган мавзу Навоий қомусидек баъзи-баъзида йўқолиб туради. Масалан, 1970 йилда шевашунослик бўлимида Тошкент вилояти шевалари атласини тузиш иши режалаштирилган эди. Бир неча йил бу мавзу бўйича иш олиб борилди. Бўлим мудири Шоназар Шоабдураҳмонов «тузилаётган» мазкур атлас ҳақида махсус мақола ёзиб, кейин уни тўлалигича «Ўзбек диалектологияси» дарслигига ҳам киритган. Талабалар бу ёлғон ва ўзи йўқ атлас ҳақидаги гапларни ҳамон «илк» деб ўқиб юрибдилар. Ш. Шоабдураҳмонов бундай ёзган эди: «...тахминан 150 харитадан иборат» Тошкент вилояти шевалари атласи» 1980 йилларда якунланади...» Аммо бу атлас ҳам чиқмай ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Унинг номи қайси бир жиҳатда қайд қилинган бўлса, «ўчир-ўчир»га дучор бўлиб, охири гумдон қилинди. Чунки Ўзбекистон Давлат режалаш қўмитаси «бажарилган» бу атласни суриштираётган эдида?! «Навоий энциклопедияси» ҳам шу тариқа йўқолган бўлса, мен-ку ажабланмайман, аммо эшитган қулоқ, жамоатчилик ва олий раҳбарият бунга нима дер экан?

Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ.

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ...

СУЛТОН Увайс тоғ тизмаларидан ошиб ўтилгач, «Нукус — Гулдурсин» магистрал йўлининг ўнг томонида Оқчакўл ястаниб ётибди. Кўл 17 километрга чўзилган. Майингина эсаётган шаббодада ҳам тўлқинланиб турган кўлнинг зилол суви қуёш нурида ажабтовур жимирлаб, беихтиёр ўзига жалб қилади. Асрий Тупроққалъадан сал ўтгач, кўлнинг шундайгина бикинидаги кўм-кўк дарахтзорларга бурканган икки қаватли бинолар кўзга ташланди. Қорақалпоғистондаги энг йирик ўқувчилар дам олиш маскани — «Қамалак» лагери худди шу ерда жойлашган экан.

Бизни лагер бошлиғи Қурбонназар Қаландаров қарши олди. Серҳаракат, очиқ чехрали, 40 ёшлардаги бу йигит билан суҳбатимиз дарҳол ковуша қолди.

— Ўқувчиларнинг бу дам олиш маскани асли 240 ўринли бўлиб, Қорақалпоғистон халқ таълими вазирлигига қарайди. Ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда иложи борича болаларни кўпроқ қабул қилиш тадбирларини эртароқ кўриб қўйган эдик. Натижада биринчи босқичда 310 болани кабул қилдик. Тоза ҳаво, яхши шароит, кўлнинг мусаффо суви ўғил-қизларга шунчалик ёқиб қолдики, уларнинг лагер билан хайрлашиши қийин бўлди.

Ҳозир Нукус шаҳридаги туркча Эр болалар лицейининг 51 талабаси ва Қорақалпоғистоннинг ҳар турли туманларидан келган 189 нафар ўқувчилар 2-босқичда дам олишни якунлашаяпти.

Лагер бошлиғи бизни Нукус лицейининг Туркиядан келган муаллимлари билан таништирди. Улардан бири турк тили ўқитувчиси Максуд Сариқоя.

— Биласизми, бизнинг Туркияда ҳам кўллар кўп дейди у. Доврукли Қора денгизда ҳам кўп чўмилганмиз. У ерларда чўмилиб бўлгач, албатта душга тушиб чучук сув билан ювинар эдик. Бу ердаги Оқчакўл суви шунчалик шаффофки 10 метр тубигача бемалол кўринади. Чўмилиб бўлгач эса душга тушишга ҳожат ҳам йўк. Ҳў, Қоратоғ салобат билан қад кериб турганини айтмайсизми? Бир томонда Қоратоғ, бу ерда Қора денгиздан асло колишмайдиган Оқчакўл.

— Болаларнинг ёзги дам олишини кўнгилдагидек ўтказиш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида осон эмаслигини яхши тушунамиз. Лекин ҳаракат қилса бўлар экан. Лагеримиз жамоаси саъй-ҳаракатлари туфайли болаларнинг мириқиб дам олишлари учун шароит яратиш яхши йўлга қўйилди. Бунда бош тарбиячимиз Боғила Юсупова, бош ошпаз Ўғилжон Оллаёрова, хизматчилардан Анвар Ўрозбоев, Бозила Юсупова, Гулчехра Саъдуллаева, врач Максуд Давлетов, тарбиячилар Рустам Ўрозимбетов, Гулистон Оллоёровларнинг хизматлари катта.

— Мени бир нарса ажаблантиради,— дейди Қурбонназар кўюнчаклик билан,— ҳар йили Қорақалпоғистондан 5—6 минг нафар болалар ёзнинг жазирама иссиғида азоб-укубатлар, катта харажатлар эвазига Тошкент вилоятидаги дам олиш ва соғломлаштириш лагерларига жўнатилади. Унинг ўрнига бизнинг лагеримизни Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Федерацияси ихтиёрига олиб, йил давомида ишлатилса, соғломлаштириш масканига айлантирилса яхши бўлмасмиди? Якинда бу ерга Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси — Ўринбой Қунназаров ҳам келиб, ишларимиз, шароитимиз билан яқиндан танишиб кетдилар. Фикрларимизни айтдик. У киши қизғин маъқуллади. Шояд келаси йили болаларимизнинг катта бир гуруҳи машаққатлар чекиб, узоқ-узоқларга бормасдан ҳамма имкониятларга эга бўлган шу ерда мириқиб дам олишса, саломатлигини тиклашса.

Биз бу фикрнинг нақадар ҳаётий ва тўғрилигини ўз кўзимиз билан кўриб, баъзи воқеаларни гувоҳи бўлиб, тан бердик.

...Шу йил 4 июль куни Қорақалпоғистонлик болалар тушган поезд Нукусдан Тошкентга йўл олди. Мазкур № 54 поссажир поездининг 10 та вагонига болалар учун 451 та чипта олинган. Аммо Урганч шаҳридан ўтилгач, вагон проводниклари ҳамма ўринлари ёш болалар билан банд бўлган ҳар бир вагонга 25—30 тадан ноқонуний равишда, ўзбошимчалик билан йўловчилар ола бошлади. Поезд бошлиғи Собуровга бу ҳақда бир неча марта мурожаат қилинди. Аммо натижа бўлмади. Аксинча Чоржўй станциясидан кейин паттасиз йўловчилар кўпайгандан кўпайди. Ҳаво иссиқ, вагонлар дим, нафас олиш қийин.

Машмашанинг энг каттаси Тошкентдаги жанубий темир йўл вокзалига етиб келгандан кейин бошланди. Соат 4.00. Бир суткадан ортиқроқ йўлдан ҳориб-чарчаб, уйқусизликдан силласи қуриган болалар иккита йўналишга — «Чоткол» ва «Тошкент денгизи» зонасидаги «Радуга» лагерларига юборилиши режалаштирилган экан. Тўрткўл туманидан келган болалар «Чоткол»га юборилди. 259 нафар болалар вокзалда кутиб колишди. «Радуга» лагери вакиллари фақат 200 нафар болани қабул қилиш имконияти борлигини қайта-қайта таъкидлашар, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кенгаши инструктори Нина Алексеевна Лопатюк эса мазкур лагер эгаси — Бектемирдаги сув насосларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш учун ихтисослаштирилган марказий тажриба, таъмирлаш заводи касаба уюшмаси кўмитаси ва унинг раиси Бекзод Аҳмедович Содиков томонидан 250 болани қабул қилиш учун буюртма берилганини рўкач қилиб, болаларни дарҳол олиб кетишни қатъий талаб киларди.

Хуллас болалар Қорақалпоғистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кўмитаси бўлим мудири Генжебой Бекниёзов раҳбарлигида Ўрта Чирчиқ тумани «Тошкент денгизи» посёлкасида жойлашган «Радуга» лагерига соат 5.00 ларда етиб келди. Лагер бошлиғи Нелла Давидовна Комиссарова бунча болани кабул қилишга асло имконият йўқлигини айтиб жиғи-бийрони чиқарди. Шундай қилиб, Амударё ва Элликқалъа туманларидан келган 62 нафар болалар 10 соатдан ортиқроқ лагер йўлкаларида, стадион майдончасида «дам» олишга мажбур бўлишди.

Касаба уюшмалари юқори ташкилотлари аралашгач, 62 нафар болалар ва 2 тарбиячи йўл азобини давом эттириб, Бурчмулладаги «Конструктор» лагерига юборилди. Минг бора раҳмат, бу ердаги саховатпеша, болажон мутасаддилар қорақалпоғистонлик ҳориб-чарчаб келган ўқувчиларни кучоқ очиб кутиб олишди.

...Биз шу ерда мақолага нуқта қўйиб, гапни мухтасар қилмоқчи бўлдик. Бироқ Қорақалпоғистондаги Оқчакўл сохилидаги энг боҳаво ерга жойлашган «Қамалак» лагери бошлиғи Қ. Қаландаровнинг ўтган учрашувда айтган фикрлари хаёлимизни ўзига тортди:

— Нима учун биз ўзимизда мавжуд бўлган ажойиб имкониятлардан ҳалигача фойдалана олмаймиз,— деган эди у.— Ахир минг километр йўл босиб, ҳар бир бола учун 5,5 минг сўм сарфлаб юргунча, шундайгина мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаласак бўлмасмикан. Ёки, олдингдан оккан сувнинг қадри йўк деганлари шумикан-а?

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОСТАНКИНОДА «МУЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ», БИЗДА ЭСА «ТИЛСИМ»

ТОШКЕНТДАГИ «Ўрта Осиё электраппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси янги спорт комплекс биносида Ўзбекистон телевиденнесининг «Тилсим» номли илк кўрсатувини уюштирилди. Мазкур кўрсатув кўп жиҳатдан Марказий телевиденнеининг машҳур «Мўъжизалар майдони» кўрсатувини эслатади. Кўрсатувда қатнашганларнинг кайфияти байрамдагидек тантанавор ва руҳан тетик эди. Ҳамма шу кунги шодиёналикдан кандайдир янгилик ва ҳакиқий мўъжиза юз беришини бесабр кутарди. Кутганлари юз берди...

Меҳмонларнинг кувнок кулгилари, юзларидаги табассумларидан биринчи кўрсатув муваффакиятли ўтганини тасдиклади. Ўзбекистон халқ артисти, «Баҳор» давлат ракс ансамбли солисти Малика Аҳмедова, таникли киноактёр Рустам Саъдуллаев, «Ўртаосиёэлектраппаратлари» бирлашмаси илғор ишчи ва меҳнат фахрийларининг фаол қатнашувлари кўрсатувга алоҳида руҳ бағишлаб турди. Қатнашувчиларнинг деярли ҳаммаси «Табани корпорэйшн», «Аджио» фирмалари ва «Миконд» заводи ташаббуси билан такдим этилган ажойиб, кимматбаҳо мукофотларни олишга муяссар бўлдилар. «Тилсим» номли мазкур телевизион ўйинининг энг биринчи голиби деб «Ўртаосиёэлектраппаратлари» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси учинчи цехи чилангари М. Гайбуллин эълон қилинди. У энг юқори мукофот — Арабистон мамлакатларига бепул саёҳат қилиш учун сафар йўлланмаси билан такдирланди.

Суратларда: кўрсатувдан лавҳалар.
«Ишонч» мухбири.

Ишонч № 33 1993

Эҳромлар жўмбоғи

1990 йил 14-15 декабр кунлари Тошкентдаги Кино уйида экстрасенслар уюшмасининг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйича ҳудудий анжумани бўлиб ўтган эди. Гарчи ҳудудий деб аталган бўлсада, собиқ Иттифоқнинг турли республикаларидан келган, табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича мутахассис ҳисобланган олимлар ҳам иштирок этганди.

Анжуманнинг иккинчи куни Кино уйининг кичик залида таниқли экстрасенс Элёр Холмуҳамедов шогирдлари билан биргаликда ғалати янгиликни айтишди.

— Мана бу кесик пирамидага бир қаранг, — деди Элёр ака, уни баланд кўтариб кўрсатар экан, — оддий геометрик шаклга ўхшайди. Бироқ уни ясашга биз анча овора бўлдик. Бунинг учун, аввало, табиатда қувват алмашинуви муаммоларини, хусусан, инсон вужуди фазодан қувват олиши йўлларини ўргандик, шу соҳага оид махсус адабиётлар билан танишдик, қатор-қатор тажрибалар ўтказдик...

Ўшанда Элёр аканинг тушунтиришларини ён дафтаримга сўзма-сўз ёзиб олишга улгурмадим. Лекин янглишмасам, мазмуни шундай: гап қувват алмашинувида. Эниология — қувват-ахборот алмашинуви муаммоларини ўрганувчи фан маълумотларига кўра, инсоннинг вужуди қувватни моддий неъматлардан, бошқа одамлардан, табиатдан, фазодан олади. Булар орасида энг аҳамиятлиси кейингисидир. Чунки фазодан қувват олувчи одам, биринчидан, яхши еб-ичишга, яъни кучли озиқ-овқатга боғлиқ бўлиб қолмайди (қадимда ғорларда яшаган донишмандлар гиёҳлар билан кифояланганини эсланг), иккинчидан, биовампир сифатида оила аъзолари ёки бошқа яқин кишиларининг қувватини билиб-билмаган ҳолда сўриб яшамайди, учинчидан, қувват олиш учун табиат қўйнига чиқиб, дала, ўрмон, тоғларга бориши шарт эмас. Чунки фазо — ҳад-ҳудудсиз ва энг беминнат қувват манбаидир.

Бироқ, бу «текин» қувватни олиш арзонга тушмайди. Нафсиламрини айтганда, «сув текин» бўлган нима бор ўзи бу оламда? Қизиқ, баъзи нарсалар ҳамма учун бирдек очиқ, лекин ундан ҳамма бирдек фойдалана ололмайди. Масалан, билимни ҳам барча бир хилда эгалламайди-ку! Битмас-туганмас фазовий қувватни ҳам ҳамма истаганча ололмайди. Бунинг ўзига яраша шартлари, қонун-қоидалари бор. Мисол учун ноёб қобилиятли кишилар, айниқса, Жуна Давиташвили, Альберт Игнатенко кабилар билан учрашганимда улар фазодан қувват қабул қилишни яхши ўрганиб олишганига гувоҳ бўлдим. Ҳатто бир сафар «Вокруг света» ойномасидаги ҳамкасблар билан йирик бир учрашувга бориб, Альберт Венедиктович қобилиятини кўпчилик олдида намойиш қилганини ўз кўзим билан кўрдим. Жуна эса бу ҳақда гапириб берган эди. Кейинчалик «Қўлларимни тинглайман» номли китобини таржима қилаётганимда бу жараён унда ғайришуурий ҳолатда кечишини ҳам билдим.

Фазодан қувват олишнинг олий босқичи ҳам мавжуд, бироқ у руҳий покликни, борлиққа кенг бағир очишни, фақат ва фақат эзгуликка хизмат қилишни талаб этади. Бунга ўзимизда ўтган донишмандлар, азиз-авлиёлар сингари комил инсонларгина муяссар бўлишган. Лекин бу мураккаб босқичларнинг энг қуйи поғонасида турганлар, камолотнинг машаққатли йўлига ҳали кирмаганлар нима қилиши мумкин? Тўғри, фазодан жуда оз миқдорда бўлса ҳам ўз-ўзидан қувват олиш ҳар бир одамга насиб этган. Ана шу қувватни ақалли салгина кучайтиришга ёрдам бера оладиган бирон-бир восита йўқмикан?

Элёр Холмуҳамедов билан шогирдлари кашф этган пирамида ана шундай восита бўлиб чиқди. Айтайлик, бошингиз оғриб қолди, у қадар кучли оғриқ эмас, лекин ҳар қалай ишлашга халақат беради, ғашингизни келтиради. Шунда пирамидани асос томони билан бошингизга қўйиб турсангиз, бир неча дақиқа ичида оғриқ қолади. Пирамида сурункали бош оғриғи учун тавсия этилмайди, бефойда. Уни бошга тескари, яъни уч томони билан қўйиш, табиийки, акс таъсир беради — оғриқни камайтириш ўрнига кучайтиради. Элёр ака билан шогирдлари бу изоҳларини тугатар-тугатмас, пирамидалар зал бўйлаб қўлма-қўл, аниқроғи бошма-бош узра ўтди. Анжуман ниҳоясига келиб, ҳамманинг боши оғриб қолганиданми, ҳеч ким бир-бирига навбат беришни истамасди.

Сезиб турибман: «Оддий геометрик шакл бош оғриғини тўхтатарканми? Бе, бўлмаган гап!» дея истеҳзо билан кулиб қўяётганлар бор, албатта. Нима ҳам дердим, улар бу қадар ғаройиб ҳодисага дабдурустдан ишонмасликка ҳақлидир. Лекин ҳамма вақт бўлганидек, ишонмовчи кишиларга аталган далил-исботлар ҳам бор. Масалан, қуйидаги илмий маълумотлар пирамида оддий геометрик шакл эмаслигидан дарак беради:

Улкан пирамида кўринишидаги Қадимги Миср эҳромлари минг йиллардан буён бутун инсониятни қизиқтириб келади. Бу хил маҳобатли мақбаралар қадимги Бобил ва Осурияда, шунингдек, ер юзининг нариги томонида — Мексикада учрайди. Хўш, нега энди эҳромлар келиб-келиб айнан пирамида шаклида қурилган? Бунинг маъноси нимада? Бу саволлар устида турли замонларда не-не соҳа олимлари бош қотирмади, бир-биридан ғаройиб не-не хулосаларга келишмади дейсиз! Эҳромларнинг тадқиқ этилмаган жиҳатлари, ўлчаб кўрилмаган томонлари қолмади-ёв. Кейин эса, бу — деҳқончилик тақвими, Фазовий тақвим ва ҳоказо ва ҳоказо деган кашфиётлар бир-бирига уланиб кетаверди. Уларнинг ниҳояси ҳануз кўринмайди. Мен кашфиёт сўзини атайин қўштирноққа олмадим. Чунки улар чиндан ҳам кашфиёт, ҳеч бири ўзидан олдингисини инкор этмайди. Ер юзидаги энг улкан пирамида — Хеопс эҳроминнинг баландлиги 147 метр (учи қулаб ҳозир 137 метр бўлиб қолган), ҳар бирининг оғирлиги 2 тоннадан бўлган 2300000 тош бўлакларидан бино қилинган. Хўш, мана шу маҳобатли иншоот нима бўлиб чиқди ахийри? Буни қарангки, у чиндан ҳам деҳқончилик тақвими экан, чиндан ҳам фазовий тақвим экан. Яъни, эҳром пирамида шакли туфайли бир эмас, бир қанча кашфиётларни ўз ичига олган экан. Бироқ, шунча кашфиётлар орасида унинг асл сири очилдимикан? Ҳар сафар, мана энди очилди деб, тантана билан эълон қилинади. Лекин кўп ўтмай навбатдаги янгилик диққатни тортади ва табиийки, тез орада у ҳам сир эмаслиги аён бўлиб қолади...

1986 йили жаҳон илмий матбуотида ақл бовар қилмайдиган бир ғаройиб янгилик эълон қилинди: Миср эҳромларининг сатҳи қандайдир геологик полимер модда билан қоплаган экан! Кундузги ва тунги ҳароратлар фарқи туфайли бу ажабтовур қопламадан ўзига хос сув томчилари ажралиб чиқар ва тошларни емирилишдан айнан шулар сақлар экан. Текшириб кўрилганда эса бу ғаройиб сув бағоят қизиқарли хоссаларга эгалиги маълум бўлди. Оддий сув 100 даражада қайнаса, у, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 600 даражада қайнар экан! Тузилишига кўра, олмос графитдан қанчалик фарқланса, у ҳам оддий сувдан шунчалик фарқланарди.

Фаранг тадқиқотчиси Бови янада ажойиброқ кашфиётларга дуч келди. У ёғочдан пирамида нусхасини ясаб ичига мушук жасадини қўйиб пирамиданинг аниқ, қатъий шакли ўлик танага қандай таъсир кўрсатишини текшириб кўрмоқчи бўлди. Мисрлик коҳинлар мақбара учун пирамида шаклини танлаганлари бежиз эмас, деб тахмин қилганида тадқиқотчи ҳақ эди, албатта. Зотан, эҳромнинг вазифаси фиръавн жасадини асрлар мобайнида бузмай сақлашдан иборат бўлган-да. Бу тахмин ажойиб тарзда тасдиқланди. Бови бир неча кун ўтгандан кейин ёғоч пирамида ичидаги мушук мурдаси ўз-ўзидан мўмиёланиб қолганини аниқлади.

Тадқиқотчилар бошқа хил тажрибалар ҳам ўтказиб кўришди. Икки бўлак гўшт олиб, биттасини пирамида қолипининг марказига, иккинчисини эса ташқарига қўйишди. Натижада пирамиданинг сирли таъсиридан четдаги гўшт сасигани ҳолда ичкаридагиси қуриб қолди.

Чех радиоинженери Карел Дрбал олган натижалар ҳам ғаройибликда бундан кам эмас. У пирамиданинг тўрт томонини дунёнинг тўрт томонига тўғрилаган ҳолда ичкарига ўтмаслашган лезвиени қўйди. Кўп ўтмай лезвие ўткирлашиб қолгани маълум бўлди! Бу шунчаки муболаға эмас — чархлашнинг бу ғайртабиий усулини кашф этгани учун тадқиқотчига ҳатто патент берилди.

Хулласи калом, пирамиданинг асл сири нимада ўзи? Илм-фан бу саволга ҳануз жавоб тополмаётир. Тўғри, айрим фаразлар бор. Масалан, ўтмас лезвие яна ўткирлашиб қолишига қараганда пирамида ичида вақт оқими тескарига — ўтмишга қараб йўналган, яъни лезвие «ёшлиги»га, ҳали ишлатилмаган пайтига қайтади. Тажриба чоғида олинган суратларда лезвиенинг аррасимон бўлиб қолган тишлари текислашиб бораётгани яққол кўриниб турибди. Хўш, у ҳолда пирамида ичидаги мушук тирилиб, миёвлаганча отилиб чиқмади-ку? Ёки Бови уни етарлича сақламаганмикан? Бундай десак, Миср эҳромлари остида фиръавнлар нақ 5000 йилдан буён ётишибди — бу етарли муддат бўлса керак. Лекин, афсуски, бironтаси ҳам тирилмади. У ҳолда гап нимада?

...1990 йил сентябрь ойи. Ўзбекистон ойнаижаҳонининг «Оламга саёҳат» кўрсатуви учун фильмни суратга олиш мақсадида Шимолий Кавказ, Ставрополь ўлкасини кезиб юргандик. Сайёр ижодий гуруҳимиз таркибида Минерал сувлар, Пятигорск, Железноводск, Кисловодск, Есентуки каби шаҳарларни, Кабарда-Болқор, Қорачой-Черкас диёрларини айланиб чиқдим. Эльбрус чўққиси пойида машҳур Чегем шаршаралари ва Нарзанлар водийсида, Теберда, Домбай сингари сўлим гўшаларда бўлдим. Бироқ шунча ажойиботни кўриб юраверибман-у Қорачой заминини кезиб юрганда Черкас шаҳрида булардан-да аъло бир ғаройиботни сезмай, ёнидан ўтиб кетибман. Бу ердаги рўзнома дўконларида Миср эҳромларининг лезвиени чархлаб берувчи митти нусхалари савдога чиқарилган экан. Афсуски, йўлбошчимиз — Ставрополь ўлкаси саёҳат бюросининг ходими Погребнюк бу ҳақда менга жуда кеч, Тошкентга қайтиш арафасидагина гапириб қолди. Вақт ўтган — Пятигорскдан яна Черкасга бориб келишга фурсат йўқ эди. Қанчалик таассуфда эканимни кўрган Валентин буткул қуруқ кетмаслигим учун «Кавказ шифохонаси» рўзномасининг шу мўъжиза ҳақида ҳикоя қилинган сонини топиб берди. Аллақайси хорижий мамлакатларда кимлардир ўтказган тажрибалар сизга афсонавий бўлиб туюлмаслиги учун шу рўзноманинг 1990 йил 25 май сонида босилган «Хеопс эҳроми учун янги юмуш» номли мақоладан айрим маълумотларни келтириб ўтаман:

«Тарихнинг отаси унвонига сазовор бўлган Геродотнинг ёзишича, Хеопс эҳроми қурилиши 20 йилга чўзилган, ундан аввал эса йўл қуришга 10 йил кетган. Черкасдаги «Холодмаш» заводининг хўжалик ҳисобидаги ихтирочилик ва рационализаторлик кенгаши ҳузурида ташкил этилган «Алгоритм» кооперативининг серғайрат ходимлари учун эса эҳром нусхасини тайёрлашга ҳеч қанча вақт кетмади. Боз устига, улар бирон нима кашф этишгани ҳам йўқ.

— Бу ғоя 50-йиллардаёқ Чехословакияда патентланган, — деб ҳикоя қилади кооператорлардан бири В. Койчев. — Биз эса шу ҳақда ўқиб, қизиқиб қолдик. Махсус адабиётларни ўрганиб чиқдик. Масалан, пирамида ичида лезвие ўз-ўзидан чархланиб қолиши ҳодисаси Олмонияда ҳам мутахассислар томонидан ўрганилган, электрон микроскоп металл тузилмасида яққол ўзгаришлар рўй беришини кўрсатган.

Шунга қарамай, кооператорлар ўзлари синаб кўрмоқчи бўлишди. Қарашсаки, аввал нари борганда икки ҳафтага етадиган лезвие бу хилда чархланиб турганидан кейин бемалол беш ойга етаяпти. Яна денг, «Нева»га нисбатан «Спутник», айниқса, яхши чархланар экан. Бунинг учун қилинадиган иш эса жуда оддий — соқол олиб бўлинганидан сўнг лезвиени пирамида ичига доимо бир томони билан қўйиш ва пирамиданинг ўзини асосидаги кўрсаткичлар бўйича шимолга тўғрилаш керак. Тамом-вассалом. Бундан у ёғига лезвиеда қандай жараён боришини тушунтириш мураккаб — бошдан-оёқ ер магнетизми назарияси билан боғлиқ».

Хуллас, мана шунақа гаплар. Кавказдан қайтганимга ҳам, мана, уч йил бўлаяпти. Келаётганимда билганим шуки, Пятигорск универмаги ғаройиб пирамидаларни кенг савдога чиқаришга уринаётган, Москвадаги «Аврора» савдо-тижорат кооперативи эса «Алгоритм»га жуда катта миқдорда буюртма берган эди. Бироқ, бунинг учун Кавказга бориш шарт эмас асло. Мазкур мақолани ёзишимдан мақсад ҳам эҳромлар жумбоғи билан таништиришдан ташқари бирон кооперативнинг диққатини тортиш.. Бир ҳафтага етмайдиган бир дона лезвиенинг баҳоси 15-20 сўмга бориб турган ҳозирги пайтда шу ажойиб мосламани ўзимизда ҳам ишлаб чиқариш пайти келмадимикан? Ниҳоятда осон ва айни вақтда ниҳоятда сердаромад бу ишга жазм этадиган бирон ташкилот топилса, ҳар томонлама ёрдам беришга бажонидил тайёрман. Пирамиданинг бош оғриғини қолдирувчи шаклини ишлаб чиқариш эса яна қўшимча даромад келтиради. Чунки доимо соғлом юришни ва ортиқча харажатдан қутулишни истаган миллион-миллионлаб кишилар учун бу нарсалар сувтекинга тушади.

Рустам ОБИД.

АВГУСТ

16 ДУШАНБА

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...» Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Болалигим — гулбаҳор». Болалар учун концерт.
18.40 «Само сари йўл». Телефильм.
18.55 «Назорат ойнаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Сулола». Телефильм.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё мусиқали драма театри артистлари Раъно Юнусова ва Нажмиддин Ўруновлар концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 «Ислоҳот ҳақида суҳбатлар».
21.45 «Санъат усталари». Халқ артисти Шукур Бурхонов.
22.45 «Аждаҳо ови». Бадиий фильм.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум» (такрор).
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.50 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар».
20.30 «Саломатлик — туман бойлик».
21.10 «Ўзбекистон — қадрдон юртим».
21.50 «Хонадон ва унинг соҳиби». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

15.20 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.50 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 20-кўрсатув.
16.05 «Янги номлар».
16.20 «Иқболи кулганда».
17.00 Янгиликлар.
17.25 «Мусиқий жилолар».
17.40 «Гол».
18.10 «Аср сирлари». 3-кўрсатув.
18.40 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Спорт уик-энди».
20.40 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.

«Янги студия» таништиради:

21.45 «Мен».
21.50 «Монтаж». «ДДТ» гуруҳининг концерти.
23.40 «ТВ-Х».
23.55 «Мегамикс». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Тонгги концерт.
8.15 Мутлақо махфий.
9.15 Хонаки экран. «Кўз илғамас йўлкаларда». Бадиий фильм.
10.25 Мульти-пульти.
10.35 Кечки салон саҳифаларида.
12.05 «Ҳали англанмаган коинот».
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Кундузги сеанс. «Транссибир экспресси». Бадиий фильм.
14.30 «Телематн».
14.35 «Американинг ёввойи табиати». Кўп серияли телефильм премьераси.
15.05 Янгиликлар.
15.20 Трансросэфир. «Акс этиш».
16.05 «Россиянинг олтин қазувчилари.

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Қиз йўқолди». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан.
20.15 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Қутқариш хизмати 911».
22.30 «XX аср кадрда ва кадр ортида». Василий Шукшин.
23.35 «Формула-I» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Венгриядан кўрсатилади.

17 СЕШАНБА

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Халқ ижодиёти».
7.50 «Инжиқ малика». Мультфильм.
8.00 «Мутахассис маслаҳати».
8.10 «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
10.30 Болалар учун. «Севинч».
17.50 «Бугун...» Ахборот кўрсатуви.
18.00 Футбол. «Пахтакор»—«Витесс» (Голландия). Халқаро ўртоқлик учрашуви. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —
18.45 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.50 «Мустақиллик одимлари».
20.00 «Дунё воқеалари ».
20.10 «оқшом эртаклари».
20.25 «Дирижер ҳикоя қилади».
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Андижон вилояти.
22.35 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Ёз билан хайрлашув». Манзарали фильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Табиат ва биз». Кинопрограмма.
20.50 «Алоқалар ва шартномалар».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.20, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.25 «Қувноқ нотачалар».
8.45 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.30 «Инсон ва қонун».
10.00 «Сариқ дарё». Ўн серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 6-серия.
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:

11.20 «Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ва ғаройиб таътиллари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «Офицерлар шаҳарчаси». Телефильм премьераси «Дальтелефильм»).
12.55 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 Болалар телевидениеси уюшмаси «Байкалда бир кун. Улан-Удэ кўрсатувини таништиради.
16.05 Индонезия рақслари. «Садупи» фольклор рақс ансамбли ижро этади.
16.35 «Даврлараро». Телефильм премьераси (Ростов-Дон).
15.45 «Яна бир бор дори-дармонлар ҳақида».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Дунё томонлари» кўрсатувини таништиради.
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Мулкдор алифбоси».
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Рус балети юлдузлари». Кўп серияли телевизион мусиқий фильм премьераси. 8-фильм.
21.30 «Пепси стилидаги мусиқа. Жексонлар. Америкача орзу». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.25 «Рус живописи. XX аср. Расмлардаги алифбо». Телефильм
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Мен сизга қўшиқ куйлаб бераман». О. Митяев қўшиқлари.
00.10 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Россиянинг олтин қазувчилари».

* * *

11.00 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Кундузги сеанс. «Мени бахтли келажак сари чорла». Бадиий фильм.
14.40 Россияда бизнес.
15.10 Янгиликлар.
15.25 «Рост» студияси. «Мени ўзингга тенг бил».
15.55 Трансросэфир. «Бир кунинг кўзгуси» (Ставрополь шаҳри).
16.40 «Мусиқий имтиҳон» таништиради.

*

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

19.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 206-серия.
20.05 «Аз'есмь «Авлодлар портрети».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Асил ҳолича...»
22.25 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
23.10 Буржлар туркумидан.

18 ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ёшлар куйлаганда».
7.50 «Кел, дўстлашайлик». Мультфильм.
8.00 «Дунё воқеалари».
8.10 «Қўқондий Латиф ёдгорликлари». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Республика газеталарининг шарҳи».
9.10 «Ёшлик» студияси. «Истеъдодларни излаймиз».
9.50 «Болалар меҳмонхонаси». Барот Исроил.
10.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
18.00 «Бугун...» Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Қизлар давраси».
18.55 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Заргар». Телефильм.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Мустақиллик мушоираси»
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Хоразм вилояти.
22.35 Замонавий ўзбек халқ қўшиқларининг «Анор» телевизион кўрик-танлови.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Фан ҳақида суҳбатлар».
19.05 «Спринт».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.50 «Соғломлаштириш масканларида». Ўзбекистон телевидениеси, вилоят касаба уюшмаси кенгаши ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси билан ҳамкорликдаги рейди.
20.40 Дам олиш соатларида.
20.55 Ҳужжатли кино саҳифаларидан.
21.55 «Ибн Сино». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.50 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильмлар.
8.45 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.35 «Савдо кўприги».
10.05 «Сариқ дарё». Ўн серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 7-серия.
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:

11.20 «Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ва ғаройиб таътиллари. Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.30 «Узоқ яшаймиз». Телефильм премьераси (Иркутск).
13.00 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 21-кўрсатув.
15.55 С. Рахманинов. Паганини мавзуларига ёилган рапсодия. Россия Давлат симфоник оркестри ижро этади.
16.20 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар.
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Таниш нотаниш-лар» кўрсатувини таништиради.
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Миниатюра».
19.00 «Севги тарихи».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.
21.45 «93-йил авлоди». I Москва халқаро мусиқий фестивали.
23.15 Янгиликлар.
23.55 «Катта сайр».
00.35 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Христианлар учун кўрсатув.
8.45 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
10.25 «Асил ҳолича...»
11.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 206-серия.
12.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Иш устасидан қўрқади».
12.25 Мульти-пульти.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 «Телематн».
13.05 Кундузги сеанс. «Изқувар». Бадиий фильм.
14.35 «Мансаб алифбоси».
14.50 «Сигнал».
15.05 Янгиликлар.
15.20 Мульти-пульти.
15.35 «Фортуна». Александр Малинин куйлайди.
16.25 «Уй қуриш биз учун иш бўлибдими?»

*

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

19.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 207-серия.
20.05 «Нота бене» студияси.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Ксюша ҳузурида».
22.00 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
22.35 Криминал хабарлар экрани.
22.45 «Сафсаталар».
23.15 «Осойишталик № 9».

19 ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Классик ашулалар.
7.50 «Ялангликдаги хазина». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.20 «Бухоро қоракўли». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 «Матбуот саҳифаларида».
9.10 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».
9.50 «Оққўнгил кишилар». Бадиий фильм.
11.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
17.50 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.00 Футбол. «Ўзбекистон терма жамоаси»—«Витесс» (Голландия). Халқаро ўртоқлик учрашуви. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — 18.45 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.00 Эълонлар.
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Турғун Алиматов ижро этади».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 «Жиноят жазосиз қолмайди».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда» Фарғона вилояти.
23.25 «Витесс» (Голландия) футбол жамоаси билан давра суҳбати.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табассум».

19.05 «Шарқ лирикаси». Дехлавий.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти
19.50 «Балахин жилолари». Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Тошкент оқшомлари».
21.35 «Пульс». Хабарлар.
21.55 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильм.
8.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.40 «Олеся ва компания».
10.10 «Совуқ куз». И. Бунининг шу номли ҳикояси асосида телеспектакль.
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:

11.20 Болалар учун фильм. «Сув қаердан оқади?».
12.05 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 6 ва 7-сериялар.
14.00 Янгиликлар
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.45 «Джем».
16.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 Янгиликлар.
17.25 Е. Светланов. «Байрам поэмаси».
17.45 «Ўзгариш».
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 Театр учрашувлари. Березиль.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Телеэкранда биринчи марта. «Қайтиб келмайдиган». Бадиий фильм («Троицкий мост» студияси, «Ленфильм» киноуюшмаси).
22.30 Рус мусиқаси саҳифалари.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «МТУ».
00.40 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 6 ва 7-сериялар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Тонгги концерт.
8.15 «Нота бене» студияси.
9.10 «Рахманинов олами». Халқаро мусиқий фестивал.
10.10 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.55 Буржлар туркумидан.
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 207-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «Қайтиш».
13.35 Трансросэфир. «Портретга чизгилар».
14.20 «Айни ҳозир дунёни қутқарайлик».
14.50 Янгиликлар.
15.05 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
15.35 «Маърифат самараси».
16.25 «Ватандошлар». «Сўнгги километр».

17.00—19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Телеэкранда премьера. Бадиий фильм.
21.00 Туркия телевидениеси.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 Сиёсат майдонида.
22.25 «М-трест».
22.40 «Маэстро».
23.05 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
23.20 «Санкт-Петербург мусиқаси».

20 ЖУМА

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Қўшиқ ва яллалар.
7.50 «Лоф уришга ким уста?». Мультфильм.
8.00 «Шифокор маслаҳати».
8.10 «Елкан шайдолари». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 «Операция «И» ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари».
10.30 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Хива шаҳрининг 2500 йиллигига. «Ипак йўлидаги қадимий марказ».
18.45 «Фан уфқлари».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.50 «Мустақиллик одимлари».
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Дутор ва танбур тароналари.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 «Ўзбекистон ва жаҳон».
22.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Жиззах вилояти.
23.05 «Икки дил достони». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

17.00 АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.45 «Тонг».
8.20 «Мен келдим». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
9.25 «Ёркин йўл».
9.55 Халқ куйларидан концерт.
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.20 «Америка М. Таратута билан».
11.50 «Зое кетган вақт ҳақида эртак». Катта қўғирчоқ театри фильм спектаклининг премьераси
12.55 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 11 ва 12-сериялар.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.35 «50×50».
16.10 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?»
17.00 Янгиликлар.
17.25 «Технодром».
17.40 «Инсон ва қонун».
18.10 «Ўзгариш».
18.15 «Америка М. Таратута билан».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.40 «Детективлар клуби»да. «Суини». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия.
21.40 Н. Римский-Корсаков. Гомердан прелюдия-кантата.

«ВИД» таништиради:

21.55 Дереза ортида «Август-2».
22.45 «Авто-шоу».
23.40 «Обоз» майдончаси. В. Цой хотирасига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
00.40 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Параллеллар».
8.15 «Сиёсат майдонида».
9.10 «Мульти-пульти».
9.20 «Рек-тайм».
9.50 Кундузги сеанс. «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.
11.20 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
12.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.40 Россия телевидениесининг сара асарлари: «Россиянинг телевизион театри». А. Костинский. «Қафас».
14.10 Мульти-пульти.
14.15 «Телематн».
14.20 Жума кунлари Дисней. «30 га қарши 14». Бадиий фильм. 1-серия.
15.10 «Рус визаси».
15.40 Янгиликлар.
15.55 «Рост» студияси. «Артзона».
16.25 Трансросэфир. «Половецк ойи».

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Мульти-пульти.
19.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 208-серия.
20.10 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
21.00 Туркия телевидениеси.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Ўз-ўзига режиссёр».
22.05 Кечки салон.
23.40 Джаз куйларидан концерт.
00.10 Бокс бўйича профессионаллар ўртасида жаҳон чемпионати.

21 ШАНБА

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Қувноқ тароналар.
7.50 «Кичкина деманг бизни». Мультфильм.
8.00 «Шифокор маслаҳати».
8.10 Дунё воқеалари.
8.20 «Чор Бакр». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
10.25 «Зиёкор қисмати».
11.05 «Иқтисодий ислоҳот — давр талаби».
11.35 «Яшил чироқ».
12.35 «Замин саховати».
18.00 «Умид учқунлари».
18.45 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева куйлайди.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 «Истиқлол сурури». Ўрта Чирчиқ тумани меҳнаткашлари ҳузурида».
22.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Бухоро вилояти.
23.35 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

17.00 АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 Мультфильм.
6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонгги.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спорт-имконият».
8.00 «Марафон-15» таништиради.
8.25 «Ўз-ўзингга мадад бер».
8.55 «Шанба кунги дастхат».
9.25 «Чашмалар». Давлат «Русь» вокал-хореографик ансамбли (Владикавказ шаҳри).
9.55 «Эпкин ёзишмалар ёки Соня билан Америка бўйлаб саёҳат».
10.20 Тушинода халқаро авиация-спорт байрами.
11.20 «Мусиқий дўкон».
11.50 «Авиакосмик салон».
12.05 «Око» студияси «Данилич» телефильми премьерасини таништиради («Экран»).
12.45 «Ҳокимият сиймоси».
13.00 «Кинокамерани ҳисобга олмаганда кемада икки киши». В. Уськов ҳамда В. Краснопольский юбилейига таклиф.
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Меценат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
15.10 «Шаҳзода ва Сув париси». Кўп серияли мультфильм премьераси. Якунловчи серия.
15.35 Халқаро муносабатлар «Иқтисодиёт кўзгусида. «Пул ва сиёсат».
16.05 «Саҳнанинг нариги томонига». Б. Плотников портрети.
17.05 «Ўзгариш». «Шуларга ўхшаш». Телевизион бадиий-публицистик фильм премьераси. 1-фильм.
17.50 «Бахтли тасодиф».
18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ти Жей Хукер». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-фильм (АҚШ).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Зангори ва кулранг». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия.
21.10 «Резонанс» студияси таништиради. «Канкан».
21.30 «Бир боқишда муҳаббат».
22.10 А. Вознесенский. «Россия, уйғон ёки чинакамига қўмсаш». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
01.05 Сўнгги киносеанс. «Декалог III». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

9.25 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.10 «Мусиқий инъомлар». М. Ростропович, П. Доминго, О. Бородина.
10.45 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
11.35 «Олти сотих».
11.55 Биз севган комедиялар. «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
13.15 «Кузирхоним».

13.45—17.20

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Видеошеърият. Ф. Тютчев.
17.35 Мульти-пульти.

18.00—19.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 «Трио». Бадиий фильм (Чехия).
21.00 Туркия телевидениеси.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Август инқилоби». Ҳужжатли фильм премьераси.
22.15 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.
23.15 Катталар учун мультфильм.
23.25 Мусиқий коллекция. Н. Гутман ва Э. Вирсаладзе дуэти.
24.00 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгиликлари.

22 ЯКШАНБА

● ЎзТв I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 Болалар учун. «Тонгти салом».
9.00 «Маҳбҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм. (Ҳиндистон). 29—30-сериялар.
10.30 «Цирк! Цирк! Цирк»!
11.15 «Анъана ва замон».
11.45 «Ёшлик» студияси. «Ўзингни эр билсанг».
12.45 «Шеърият дафтаридан». Аъзам Ўктам.
12.55 «Саноатимиз одимлари». «Қувасой» кварц ишлаб чиқариш заводи фаолиятидан.
18.00 «Дадамнинг ўрнида бўлганимда...» Мультфильм.
18.25 «Ёшлик» студияси. «Нурга тўлсин хонадон».
18.55 Тижорат канали: «Тикланиш».
19.15 «Ойнаи жаҳонда».
19.30 «Ҳафтанома»
20.00 «Мустақиллик одимлари».
20.05 «Оддий кун». Телефильм.
20.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
21.00 «Ҳафтанома».
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Наманган вилояти.
22.40 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

7.00—12.00

АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»

5.40, 18.00, 21.45, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.35 «Авто-шоу».
7.50 «Технодром».
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнгги». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳамма уйдалигида».
9.30 «Спортлото» тиражи.
9.45 Эстрада юлдузлари — болаларга.
10.45 «Ҳарбий ревю».
11.20 «Пи белгиси билан».
12.10 «Янги авлод танлайди».

«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:

13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.15 Казак ансамблларининг концерти.
14.35 «Саёҳатчилар клуби».
15.25 «Ҳунарли хор бўлмайди».
15.30 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари»; «Ҳақиқий ажина овловчилар».
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.
17.45 Янгиликлар.
18.05 «Ўзгариш».
18.15 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.55 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
19.55 «Монте-Карлода Бутунжаҳон мусиқа соврини».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Якунлар».
21.50 «Монте-Карлода Бутунжаҳон мусиқа соврини» кўрсатувининг давоми.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ҳужжатли фильм.
7.55 «Хайрли тонг!»
8.25 «Рост» студияси. «Спорт-мульт программа».
8.55 Мотопойга бўйича жаҳон чемпионати. Буюк Британия гранприси.
9.55 «Ати-бати...»
10.25 Кипрас Мажейка. «Бродвей оҳанглари».
10.55 Кундузги сеанс. «Табиб-нинг шогирди». Бадиий фильм.
12.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

*

12.25—15.55

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

15.55 «Оламга машҳур цирклар».

*

17.00—18.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 Телеэкранда премьера. «Шамол ҳам қайтади». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
20.30 «Мусиқа йирик планда».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Владимир Познернинг Америкаси».
21.45 Футбол бўйича Италия суперкубоги. «Милан» — «Торино».
23.30 «А» программаси.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.

Габрово латифалари

ҚАДОҚНИНГ ДАВОСИ

Бир габроволик «қадоқни тузатиш йўлини биламан», деб эълон қилди. Бу дарддан қутилишни истаганлар унинг олдига ёпирилиб келиша бошлашди. Габроволик улардан ҳақини олиб, кейин даво йўлини маълум қила бошлади:

— Оёқдаги қадоқнинг давоси — кенгроқ пойафзал кийиш!

«БИР ЖУФТИ КИФОЯ...»

Габроволик қўшниси — кексароқ хотиннинг бузилган томини тузатиб берди. Ишни тугатгач, кетмоқчи бўлиб турганда уй бекаси тилга кириб:

— Ўғлим, меҳнатинг учун сенга нима беришга ҳам ҳайронман,— деди,— олхўримдан узиб берай десам — ҳали хом... Ошқовоқ берай десам — пишмаган... Жўжаларимдан берардиму жуда кичкина...

— Кичкина бўлса ҳам бир жуфтини берсанг бўлаверади!

ЭРТА ТУРИШНИНГ СИРИ

— Сен доим саҳар-мардонда туришнинг ҳавосини олгансан-да, деди қўшнисига габроволик.

— Гап ҳавосини олишда эмас, уйимизда сочиғимиз битта, ким биринчи турса, қуруқлигида тез артиниб улгуради.

АВРА-АСТАР

Габроволик костюмини тикувчига олиб келиб аврасини астарига алмаштириб беришни сўради.

— И-е, бу костюмингнинг авра-астарини олдин ҳам алмаштириб берган эдим-ку,— деди тикувчи костюмни таниб.

— Шунча йил астарини кийиб юрдим, етар! Энди аврасини ҳам кияй-да!

ЖАВОБИНИ ТОПДИ

— Винонгга сув қуйибсан-а?— деди бир мижоз майхона хўжайинига.

— Нега шовқин соласан? Сени суви учун ҳам пул тўла деб мажбур қилаётганим йўқ-ку?

САХИЙЛИК

Габроволикни меҳмонга таклиф қилишди. У чўнтагидан сигарета олди-да, чап томонда ўтирган меҳмонга таклиф қилди:

— Марҳамат, чекинг.

— Раҳмат, чекмайман.

Габроволик ўзи чека бошлади.

— Нега ўнг томонингда ўтирган меҳмонга таклиф қилмадинг?— деб унинг қулоғига пичирлади хотини.

— У чекади-да,— деб жавоб қилди эри.

ЁҒ СИНГИГАН КЎЗАЧА

Габроволик аёл қўшнисидан сопол кўзача сўраб олиб, беҳосдан синдириб қўйди-да, ўрнига янгисини олиб берди.

— Майли-ю, менинг кўзачамга ёғ сингиган эди-да,— деб туриб олди кўзачанинг эгаси.

НОЗИК ИШОРА

— Биласанми,— деди бир габроволик ўз танишига,— сени кўрсам нуқул Тото эсимга тушаверади-да...

— Нега?

— Уям... сенга ўхшаб, беш сўм қарз олган эди-да...

ГАБРОВОЛИК ПОП

Тўйда габроволик поп ҳам ўтирарди.

— Отахон, сизга нима қуяй, арақми, виноми?— деб сўради косагул.

— Пиводан ҳам,— деб қўйди поп.

ЎН БЕШ ТИЙИНГА ИККИ БОЧКА ВИНО

Икки габроволик аёл аравага тушиб, бозорга йўл олишди. Улар сотиш учун бир бочкадан вино олишган эди. Йўлда ичкилари келди, аммо ўз виноларидан ичишга кўзлари қиймади. Шунда аёллардан бири ҳамёнидан ўн беш тийин топиб, шеригига узатди:

— Менга виноингдан ўн беш тийинлик сот.

Қўшниси унга бир стакан вино қуйди. Бироздан сўнг унинг ҳам вино ичкиси келиб қолди.

— Энди, сен сот,— дея ўн беш тийинликни қайтарди у. Шериги ҳам сотақолди.

Битта ўн беш тийинлик эса қўлдан-қўлга ўтди. Шу тариқа бозорга етгунларига қадар бочкаларидаги виноларини ичиб тугатишди. Ахир ўн беш тийинга икки бочка вино ичилса — ёмонми?

«БУГУН ГАБРОВОГА ПОЕЗД КЕЛМАЙДИ...»

Габрово темир йўл бекатида тўпланиб турган одамлар олдига бекат бошлиғи яқинлашди:

— Бу ерда нима қилиб турибсизлар?

— Поездни кутаяпмиз.

— Бугун Габровога поезд келмайди.

— Нимага?

— Чунки машинист мендан ўн сўм қарз олган...

ШУ КУННИНГ ЛАТИФАСИ

Бозор иқтисоди қийинчиликлари пайтида габроволикникига меҳмон келди... Мезбон кутиб олар экан, кўзларига тикилиб туриб:

— Оғайни,— деди,— мен сенга нима ёмонлик қилувдимки, шунақа пайтда меҳмонга келасан?

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ таржималари.

ШУМ БОЛАНИНГ ШУМЛИГИ — КУЛГИЛИ

ДУНЕДАН ўтган кишиларни тез-тез эсга олиш — яхши хосият. Чунки унинг руҳи шод бўлади. Шу жиҳатдан Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик театр саҳнасида «Шум бола» спектаклининг рўёбга чиқарилиши атоқли шоир Ғофур Ғулом хотираси учун беҳад савобли ишдир. «Шум бола» қай йўсинда намойиш қилинмасин, қандай тарзда талқин этилмасин, барибир, у — Ғофур Ғулом асари. Ҳар бир томошабинга севимли устозни эслатиб туради. Тўғри, спектаклда қиссада батафсил тасвирланган кулгили, юморга бой вокеалар, ҳодисалар, ўз замонига хос фалсафий фикрлар, бадиий тавсифларнинг ҳаммаси акс этиши қийин. Саҳна имконияти буни кўтармайди. Балки бунинг заруратн ҳам йўқдир. Шунинг учун мазкур спектакл машҳур асар асосидагина яратилиб, ундаги вокеаларнинг энг муҳимларини, асосий мағзини юлиб олиб саҳналаштирганлиги мақсадга мувофиқдир. Бунинг устига «Шум бола» спектакли янгича, ҳозирги кунинг талабига мослаштириб талқин этилган. Қаҳрамонлар билан асарнинг бошидан охиригача жозибадор мусиқа, рақс ва қўшиклар ҳамоҳанг ижро этилиши спектаклни бир мунча бойитганлиги ҳам кўриниб турибди. Саҳна безаклари, қаҳрамонларнинг кийим-кечаклари ва бошқа ашқол-дашколларга ҳаддан зиёд зеб берилмаганлиги ҳам андак енгиллик кашф этгандек. Яъни томошабинларнинг диққатини безакларгина эмас, ижрочиларнинг маҳорати ўзига боғлаб тургандай туюлади. Қиссадаги каби спектакл марказида ҳам Шум бола образи. Бу образни яратувчи Мадина Мухторова ўз вазифасини шунчалик қиёмига келтириб талқин қилганки, ҳатто унинг қиз бола эканлигини ҳам ҳаёлингизга келтирмайсиз. Маднинда қитмир, мугомбирона ҳатти-ҳаракатлар, ҳақиқий жангари болаларга хос қиликлар, қайноқ ўт-олов бўлиб чақнаб турган болакай қиёфаси барқ урган. Унинг ўғил болаларга хос сўзлаш услуби, ибораларни чертиб-чертиб ифодалашлари, ҳозиржавоблиги қанчалик ҳаётийки, бу қиёфа ички ва ташқи дунёси билан ҳам шу даврга қадар ижро этилган «Шум бола»лардан паққос фарқ қилади. Томошабинлар кулгидан тинмайди, спектаклдаги ҳар бир ижрочининг маҳоратидан завқ олиб, қарсак уради. Шунинг ўзидан маълумки, асарни саҳнага қўйган Сергей Каприелов, ўз актёрлик тажрибаларидан Мадинани бахраманд этган собиқ «Шум бола»лар Ҳайрулло Саъднев, Абдурайим Абдувоҳобовларнинг маҳнати зое кетмабди. Бошқа артистларнинг ҳам образ яратишдаги маҳоратлари жойида, куйлар, рақслар ҳам. Фақат биринчи саҳнанинг бошланишидаги «Нон ўйини»га андак эътирозимиз бор. Чунки қадим-қадимдан нон элда азиз саналади. Уни қўлдан-қўлдан олганда уч бора ўпиб, пешонага қўйиш удуми мавжуд. Нонни эъзозлаш, унга илоҳий нарсадай муносабатда бўлиш мусулмон масҳабига хос азалдан. Шунинг учун нонни ҳар хил мақомга солиб саҳнада ўйнаш, уни тескари ушлаб, уёқдан буёққа ирғитиш ҳам кофари гуноҳдир. Ҳатто Шум бола арава остида ухлаб ётган маҳал унга нон ҳидлатиб уйғотилиши мутлақо қуюшқонга тўғри келмас. Инсонга нон тишлатиш мумкин, аммо ҳидлатиш одати йўқ. Шу жиҳатдан ана шу саҳнани бироз ўзгартириш тўғрисида ўйлаб кўрилса ёмон бўлмас.

Ҳарқалай, «Шум бола» лутфан Ҳамза номидаги театрда саҳналаштирилганлигини қувватлаш жоиз. Чунки Академик театрга катталаргина эмас, кичкинтойлар ҳам қадам ранжида қилиб турищи нур устига нурдир.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

ҒИЛОФ БАНДАСИ

(ЧЕХОВГА ТАҚЛИД)

ҒИЛОФ бандасининг ўзбекча нусхасига Тошкентдаги 9 қаватлик иморатнинг саккизинчи қаватидан хонадон беришди.

Байрам куни қишлоқдаги оғайниси муборакбод қилгани келди.

— Бу нима, Ваҳмаев?

— Бу узунлиги 40 метрлик арқон.

— Сигир арқонлайсанми?

— Э, қишлоқилигингга борасанда, бу ерда сигир нима қилсин, мабодо иморатга ўт туташса, болалар билан бирма-бир сирғалиб тушиб кетишга ишлатиладиган эҳтиёт қисм.

— Мана бу темир сандиғинг нимаси?

— Кечаси ётадиган жойимиз.

— Темир сандиғдаям ётадими, Ваҳмаев?

— Ётади-да, шу иморат қурилган жой — эпицентр бўлган... Эпицентр ер қимирлашнинг маркази, яъни шу ерда гумбурлаб қимирлаш бошланган. Худо кўрсатмасин «гум» этса борми?..

— Бу иморатлар 12 балга чидайди-ку?

— Тўғри, лекин 13 бал бўлиб қолса нима қиламиз, зилзилани эси борми?

— 13 бал ҳеч қачон бўлмайди. Мабодо бўлиб қолса — юртга келган тўй.

— Одамлар қандоқ тўй қилса қилаверсин, ишим нима?..

— Ҳай, майли, мана бу машинами?

— Булар қутқариш камералари.

— Сен теплоходда кетаяпсанми? Чанқасанг кранда сув.

— Оғайни, қишлоқда юраверибсанда, дунёни сув босса тўпиғингга чиқазмайди. Тошкентнинг таги денгиз эмиш, эски китобларга қараганда Тошкентни бир куни сув босармиш, бирдан сув ҳали у ердан, ҳали бу ердан қилқиллаб чиқиб қолса, нима бўлади? Ёки Чорвоқ сув омбори очилиб кетса... Шунда бу қутқариш камералари бизга қўл келади, билдингми?

— Сенга анча қийин бўлибди, пулдан қийналмаяпсанми?

— Эй нимасини айтасан, чўпонлар айтишаётганмиш, бу йил ёмғир кўп бўлади деб. Шу 200 та шифр олиб квартирани тепасига ёпиб тушсам дейман.

— Ўзи-чи, ўзи?

— Ўзи, нима бўларди, мум билан толдан олинган-да, ёзи билан эриб, очилиб қолса керак, дейман. Шунга озроқ пулдан қисилаяпман.

— Тепангда яна бир қават бор экан, шу ишни улар қилса бўлмайдими?

— Улар нимани биларди дейсан, таътилга чиқиб, курортга кетишни билади, менга ўхшаб туяни миниб, узоқни кўради, дейсанми? Ақл бўлиши керак кишида. Тушундингми?

— Буни қара-я, унда менга ҳам қийин бўларкан-да, Бўзсувнинг бўйгинасига иморат солиб, яшаяпман-а.

— Оҳ, оҳ, оҳ, бу ақл билан узоққа боролмайсан. Сув босса — биринчи балиққа ем бўласан. Ҳа...

— Хўп, ман кетдим. Хайр!

— Хайр, дўстим, ўзингга эҳтиёт бўл. (Ёлғиз қолиб) Ўзимнинг ақлгинамдан ўргилай. Ий-е, нима гулдираяпти? Ер гурсиллаётганда ўхшайди, ҳой, хотин, болалар, қаёқдасизлар, сандиққа! 13 бал!

— Ҳой, дадаси, момақалдироқ-ку?

— Э, шунақами? Ундай бўлса, арқонни тайёрлаб қўй!

Ҳайдар МУҲАММАД.

Саҳнага чиқиш олдидан.

А. Мамадаминов олган сурат.

ҚАДИМИЙ ЎЛКАГА ТУРИСТЛАР КЕЛАДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННинг жанубидаги Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманлари қадимий хоразмийларнинг асосий масканлари бўлган. Бу ерларда 300 дан ортиқ I - VI асрларга оид ҳар турли қалъа ва қўрғонлар мавжудлиги ҳам бу фикрга ёркин мисолдир. Шу боис нафақат республикамиздаги, балки хориждаги туристларнинг бу ўлкага қизиқиши ортиб бормоқда. Ана шуларни ҳисобга олган «Ўзбектуризм» миллий компанияси Элликқалъада туманлараро бўлимини очди.

Янги бўлим ходимлари олдида турган асосий вазифа — маҳаллий аҳоли вакиллари орасида туристик саёҳатлар уюштириш билан бирга қадимий ёдгорликни зиёрат қилиш мақсадида ташриф буюрган чет эллик саёҳатчиларга ҳам хизмат қилишдир.

«Ўзбектуризм» компанияси янги бўлимни автотранспорт, ҳар хил ҳажмдаги қайиқчалар, зарур мебеллар билан таъминлади.

Бўстон шаҳрида чет эллик саёҳатчилар учун 60 ўринли замонавий меҳмонхона қурилиши ҳам бошланди.

«Ишонч» мухбири.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН...

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН... Андижонда Республика аёллар қўмитасининг кўчма йиғини шу шиор остида ўтди. Тошкентдан ва барча вилоятлардан аёллар қўмиталарининг энг фаоллари Андижонда учрашдилар. Уларнинг аксарияти ё шоир, ё ёзувчи. Ҳақиқий ижодкорлардай халқ дилига йўл изловчи, ўзидан кўра ўзгаларнинг бахти ҳақида куйиб ёна олувчи, кўнглини қатра-қатралаб қоғозга тушириб, тунни оқартирувчи кишиларнинг соғлом авлод учун, она ва болалар муҳофазаси учун курашга отлангани ниҳоятда аҳамиятлидир. Чунки уларнинг ҳар бири республика аёллари бугун муҳтож бўлган муаммоларни жуда изчил кўтариб чиқяптилар. Неча бир ҳокимлару неча бир раислар, бирлашмалар бошлиқлари уларга хайрихоҳ эканини, истаклар рўёби учун таклифлар кирита бошлаганини ўзлари ҳам сезмай қоляптилар. Анжуман иштирокчиларининг сўзларига диққат қилинг-а:

Ҳалима Худойбердиева — Республика аёллар қўмитаси раисаси, Ўзбекистон халқ шоираси.

— Биз йиғинни бежиз Андижонда ўтказмаяпмиз. Бу ерда куйинчак, дилбар шоира Турсуной Содиқова бошлиқ вилоят аёллар қўмитаси кўксида бир дунё эзгу ният билан, бир дунё дард билан, бир дунё шижоат билан яхши, ибратли ишларни амалга оширяпти. Бу ерда биз бошқа вилоятлардаги ҳамкасблар тажрибасини алмашамиз, ўргатиб, ўрганамиз.

Дунё ҳақида ўйлаганда менинг кўз олдимга энг аввал камқувват аёллар, ногирон болалар уйларида жовдираб ётган майиб, мажруҳ гўдаклар келади. Демак, дунёмиз ҳали мукаммал эмас. Биз кимларнинг авлоди эдик, бизнинг авлодимиз қандай бўлади? Мана, қўмитамизнинг асосий ўйи, фикри. Энди миллий кадриятларга, урф одатларга шу йўсинда ёндошишимиз зарур. Икки ёшга карнай чалиб, никоҳ тўйи ўтказган билан вазифамиз адо бўлмайди ахир, биз қандай оилани бунёд этаяпмиз, бу оила эртанги кунимиз учун қандай зурриёт беради, мана бизнинг бугунги дардимиз. Қариндошларнинг кудачилиги, ногирон болаларнинг дунёга келиши, аёл кўзидаги ҳасрат — ҳаммаси бугуннинг муаммоси. Соғлом авлод учун кураш йўллари. Биз ўз жонига қасд қилган аёлнинг сўнггги чорагача келмаслиги йўлларини топишимиз керак. Болаларимизнинг жиноятчи бўлиб эмас, юртнинг асл фарзанди бўлиб улғайиши учун, уларнинг гўдаклигида нималар қилишимиз керак, ранг кўр, ҳол сўр деган иборага амал қилиб, фаолият кўрсатишимиз керак.

Мен жуда хурсанд бўлдим, Андижоннинг бир неча туманларида аёлларни уч, беш, олти ойдан ҳомиладорлик таътилларига чиқариш ҳақида ўйлай бошлашибди. Хўжаликлар, корхоналар раҳбарлари буни жуда яхши қабул қилишибди. Мана шундай бирлашмасак, ҳамфикр, ҳамдард иш юритмасак, соғлом авлод учун курашиб бўлмайди.

Бибисора ТУРОБОВА — Самарқанд вилояти аёллар қўмитаси раисаси, шоира:

— Мен Андижон йиғинида бир таклиф киритдим. Бу ахлоқий поклик муҳофазаси хусусида. Яширишнинг нима кераги бор, қўмитамизга келган ўнта аризанинг еттитаси оилага хиёнат тўғрисидаги ҳасратдан иборат. Ахир тўртта, бешта фарзанднинг онаси ёки отаси ўз жуфтининг хиёнатидан йиғлаб турса, ўкинмай бўладими. Лекин ўкиниш билан унга ёрдам беролмаяпмиз. Ахир ҳуқуқ конунларимизда маънавий бузуқ, енгил табиат оила-бузарлар учун бирор жазо чоралари ҳам йўқ. Ҳатто шу тўғрида ажрашгандаги молмулк тақсимотида ҳам жабрдийдага бирор имтиёзимиз йўқ-а. Мен акасининг номига битта уй-жой қилиб битта жононни ўтказиб қўйган, амаки-тоғасининг номига уй-жой қилиб яна битта гулдек аёлни фарзандли қилиб шу уйга келтириб қуйган номардларни кўп эшитганман. Энди у бойвачча яна янги бир муҳаббат истаб қолганида, ҳеч бўлмаса, ҳалиги уй-жойини болаларига олиб берайлик десак, конун бўйича уй бошқа одамнинг номида. Бунисига нима деймиз, ахир. Биз Самарқанддан бир неча марта шу ҳақдаги қонунларни бир кўриб чиқиш, нопок, ноахлоқ аёлга ҳам, эркакка ҳам жиддийроқ жазо чоралари белгилашни сўраб хатлар жўнатганмиз. Энди ҳаммамиз бир бўлиб талаб қилсак, деб таклиф киритдим.

Тошкент шаҳар аёллар қўмитаси раиси М. Юнусхўжаева, Бухоро вилояти, Жондор тумани қўмитаси раиси Раъно Раимовалар ҳам аёл бахти учун, соғлом авлод учун жуда куйинчаклик билан фикр билдирдилар. Йиғин иштирокчилари Избоскан, Пахтаобод, Жалолқудуқ туманларида бўлиб туманлар қўмиталари фаолияти билан танишдилар, «Энг дилбар аёл» вилоят кўрик танловида, жалолқудуқлик 75 ёшга тўлган саккиз онахон юбилейида иштирок этдилар. Иштирокчиларга вилоят ҳокимининг муовини Н. Ш. Сандов, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раиси М. Г. Музаффарова ҳамроҳлик қилдилар.

Замира РЎЗИЕВА, «Ишонч» мухбири.

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди. Формати А-3 ҳажми 4 босма табоқ.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

● Буюртма Г-504 1 2 3 4 5 6

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманнон АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят мухбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда —2-39-54;
Навоийда — 3-52-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда — 35-64-22;
Термизда —2-70-07;
Тошкентда —56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

● Муҳаррият га келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● Сотувдаги нархи 25 сўм.
● ШАНБА кунлари чиқади.
● БОСИШГА 13 августда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Турғун НАЗАРОВ, Санъат МАҲМУДОВА.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 65030 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.